

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

O.A.Каримова

**Жиноят ҳуқуқи
фанидан ўқув қўлланма**

ТОШКЕНТ – 2009

А Н Н О Т А Ц И Я

Жиноят ҳуқуқи фани Педагогик университетлар қошидаги “Миллий ғоя ва маънавит асослари, ҳуқуқий таълим” йўналиши бўйича талабаларга ҳуқуқ фанлари тизимининг бир соҳаси эканлигини, фаннинг мақсад ва вазифаси, жиноят тушунчаси, жиноятнинг олдини олиш, инсонлар ҳавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, фуқароларни қонунга риоя қилиш руҳида тарбиялаш, жиноят турлари ва уларга қўлланиладиган жазо чораларини белгилаш каби муҳим масалаларни ўргатади.

Жиноят ҳуқуқи икки қисмдан ташкил топган. Биринчи, умумий қисмда, бир неча бўлимлар берилган, унда жиноят ҳуқуқига тааллуқли умумий тушунчалар берилган. Иккеничи қисми, Махсус қисм деб аталади, унда жиноят турлари ва уларга қўлланиладиган жазо чоралари кўрсатилган. Ўқув қўлланмада шу соҳа олимлари М.Рустамбоев, Б.Ахроров ва бошқаларнинг дарслекларидан фойдаланиб, педагог-ўқитувчиларнинг дастурларини инобатга олган холда ёздики.

Ушбу ўқув қўлланма «Миллий ғоя ва маънавит асослари, ҳуқуқий таълим» йўналишида таълим олувчи талабаларга жиноят ҳуқуқи фанини ўрганишда кўмаклашади ва келгуси педагогик фаолиятида шу фанга боғлиқ мавзуларни ёритишда ёрдам беради, деган умиддамиз.

Муаллиф : профессор О. А. Каримова.

Тақризчилар: ю.ф.н. доц. А.Тўхтахунов.
катта ўқитувчи: Ф. Алимов.
катта ўқитувчи: Г. Исроилова.

Ўқув қўлланма Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган.

@Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, дунё харитасидан ўрин эгаллади. Бу давр ичида Ўзбекистонда ҳуқукий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида эришилган улкан муваффақиятларни дунёдаги энг ривожланган давлатлар ҳам эътироф этмоқда. Мустақиллик ёшларнинг ҳуқукий савдохонлиги ва ҳуқукий тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, уларга қонун доирасида иш тутишга ўргатмоқда. Жиноят ҳуқуқи фани эса бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади.

«Жиноят ҳуқуқи» фанининг асосий вазифаси: жиноят ҳуқуқи фанининг принциплари, категориялари ва қоидалари тўғрисидаги назарий билимларини талабаларга ўргатишдан иборатdir. Уларда жиноят ва жазо тушунчаси, жиноий жазо турлари, уларнинг мақсад, вазифаси, айрим жиноятларнинг вужудга келиш сабабларини кўрсатиш, вояга етмаганларнинг жиноят қилиш сабабларини аниқлаш, уларга ҳуқукий тарбия беришда кўмаклашиш, амалдаги жиноят қонунларидан тўғри фойдаланиш каби билимларни беришдан иборатdir.

“Ҳуқуқшунослик” фанида Жиноят ҳуқуқига тўрт соат дарс ажратилган. Ушбу ўқув қўлланмадан ўқитувчи дарс ўтиш жараёнида жиноят тушунчаси, айниқса, вояга етмаганлар жинояти бўйича керакли маълумотлар олиши мумкин.

«Жиноят ҳуқуқи» фанидан ёзилган ушбу ўқув қўлланма «Миллий ғоя ва маънавит асослари, ҳуқукий таълим» йўналишида таълим олувчиларга мўлжалланган.

1-мавзу: Жиноят ҳуқуки фанининг ўзига хос хусусиятлари.

Режа:

1. Жиноят ҳуқуқининг тушунчаси, мақсаад ва вазифаси.
2. Жиноят қонунчилигининг принциплари.

Жиноят ҳуқуқининг тушунчаси, мақсад ва вазифаси.

Республикамиз олдида турган ғоят муҳим вазифалардан бири жиноятчиликка қарши қураш олиб боришидир. Бу муоммани ҳал этиш давлат ва фуқаролар томонидан доимо куч ғайрат сарфлашни, ижтимоий-иктисодий, тарбиявий ва ҳуқукий тадбирларни оғишмай амалга оширишни тақозо этади. Қайси қилмишлар жиноят ҳисобланади, мазкур жиноятни содир этган шахсларга қандай жазо берилиши лозимлигини белгилаб берадиган ҳуқукий меъёрлар катта аҳамиятга эга. Чунки инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш ва таъминлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражали вазифасидир.

Республикамиз Конститутциясининг 26-моддасига кўра, ҳеч ким суд ҳукмисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда жиноят содир этишда айбдор деб топилиши ҳамда жиноий жазога тортилиши мумкин эмас.

Жиноят ҳуқуқи - ҳуқуқ фани тизимининг бир соҳаси бўлиб, жиноятнинг олдини олиш, инсонлар ҳавфсизлигини жиноий тажоввуздан қўриқлаш, фуқароларни қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш, Республикада учраётган жиноятларни ва уларга қўлланиладигант жазо чораларини белгилаш каби муҳим масалаларни ўргатади.

Жиноят ҳуқуқи икки қисмдан ташкил топган. Биринчиси, Умумий қисм бўлиб, ўз ичига бир неча бўлимларни олади. Иккинчиси, Махсус қисм, унда жиноятлар турлари ва уларга қўлланиладиган жазо чоралари кўрсатилган. Биринчи қисмининг биринчи бўлимидан:

- ◆ жиноят ҳуқуқининг вазифалари ва принциплари;
- ◆ қонуннинг амал қилиш доираси кўрсатилган.

Иккинчи бўлимда:

- ◆ жиноят тушунчаси;
- ◆ жавобгарликка лозим бўлган шахслар;
- ◆ айб тушунчаси;
- ◆ тамом бўлмаган жиноят тушунчаси;
- ◆ жиноятда иштирокчилик тушунчаси, турлари;
- ◆ бир қанча жиноят содир этиш турлари берилган.

Учинчи бўлимда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган холатлар тушунчаси ва турлари кўрсатилган.

Тўртинчи бўлим ўз ичига:

- ◆ жазо тушунчаси, мақсади ва турларини;

- ◆ жазо тайинлаш асосларини олган.
- Бешинчи бўлимда:
- ◆ жавобгарликдан озод қилиш турлари;
- ◆ жазодан озод қилиш турлари;
- ◆ судланганлик тушунчаси берилган.

Олтинчи бўлимда вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари:

- ◆ жазо ва уни тайинлаш;
- ◆ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш тушунчалари берилган.

Еттинчи бўлим тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлаш тушунчаларини ўз ичига олади.

Махсус қисмда аниқ жиноят турлари ва уларга бериладиган жазолар кўрсатилган. Буларга:

- ◆ шахсга қарши жиноят;
- ◆ тинчлик ва ҳавфсизликка қарши жиноят;
- ◆ иқтисодиёт соҳасидаги жиноят;
- ◆ экология соҳасидаги;
- ◆ ҳокимият бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибиға қарши;
- ◆ жамоа ҳавфсизлиги ва жамоат тартибиға қарши;
- ◆ ҳарбий хизматни ўташ тартибиға қарши жиноятлар киради.

Умумий ва Махсус қисмлар узвий боғлиқдир. Махсус қисм нормалари Умумий қисм асосидагина қўлланилиши мумкин. Айни пайтда Умумий қисм ҳаётни факат Махсус қисм нормалари орқалигина акс эттиради. Жиноят ҳукуқи Умумий ва Махсус қисмларининг бир-бiri билан алоқаси жиноят учун жазо белгилаш чоғида ҳам намоён бўлади. Қонун суд зиммасига Умумий қисм нормаларига аосланиб Махсус қисм моддаларида кўрсатилган турдаги ва нормадаги жазони тайинлаш мажбуриятини юклайди. Жазо тайинлаш чоғида Умумий қисм нормалари асосида мазкур ҳолда жиноий жазодан озод этувчи ёки шартли қамоқ жазосини қўллаш имконини берадиган ҳолатлар бор-йўқлиги аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 2-моддасига биноан, жиноят қонунининг асосий вазифалари: шахсни, унинг ҳукуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният ҳавфсизлигини жиноий тажковвузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатdir.

Жиноят ҳукуқи - ҳукуқнинг бир қанча бошқа соҳалари, жумладан, маъмурий ҳукуқ, жиноят процессуал ҳукуқи, ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳукуқи, оила ҳукуқи ва бошқалар билан узвий боғлиқдир. Масалан, Оила ҳукуқига биноан, фарзандига алимент тўлашдан воз кечган ота ёки она жиноий жазога тортилиши мумкин.

Жиноят қонунчилигининг принциплари.

Жиноят ҳуқуқи:

- ◆ қонунийлик;
- ◆ фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;
- ◆ демократизм;
- ◆ инсонпарварлик;
- ◆ одиллик;
- ◆ айб учун жавобгарлик;
- ◆ жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

Қонунийлик принципи. Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равищаа жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи - жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.

Демократизм принципи. Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки жамоалари жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

Инсонпарварлик принципи. Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу кодекс Maxsus қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Одиллик принципи. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Айб учун жавобгарлик принципи. Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий ҳавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи. Қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Назорат учун саволлар:

1. Жиноят хукуқи фанининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси неча қисмдан ташкил топган?
3. Умумий қисмда нималар баён этилган?
4. Махсус қисмда нималар ўрганилади?
5. Қонунийлик принципи деганда нимани тушунасиз?
6. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги қандай ифодаланади?
7. Инсонпарварлик принципи нима?
8. Демократизим принципи деганда нимани тушунасиз?
9. Одиллик принципи тушунчасини ифодалаб беринг.
10. Айб учун жавобгарлик принципи нима?
11. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини изоҳлоб беринг.

Таянч иборалар:

Жиноят хукуқининг асосий вазифалари: шахсни, унинг хукуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий мухитни, тинчликни, инсоният ҳавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатdir.

Қонунийлик принципи. Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа хукуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи - жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.

Демократизим принципи. Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки жамоалари жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

Инсонпарварлик принципи. Жазо ва бошқа хукуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиши мақсадини кўзламайди.

Одиллик принципи. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа хукуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Айб учун жавобгарлик принципи. Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

Жавобгарликнинг муқаррарлигги принципи. Қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

2-мавзу: Жиноят таркиби.

1. Жиноят таркиби тушунчаси.
2. Айб тушунчаси.

Жиноят таркиби тушунчаси.

Жиноят таркиби деб аниқ бир ижтимоий хавфли қилмиш жиноят эканлигини таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йифиндиси айтилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддаси 2-қисмига биноан, жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортишга асос бўлади. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун албатта жиноят таркиби бўлиши шарт. Ижтимоий хавфли қилмиш фақат қонунда кўрсатилган жиноят белгилари мавжуд бўлган тақдирдагина жиноят ҳисобланади.

Жиноят таркибининг объектив ва субъектив белгилари ўртасида ўзаро алоқа ва узвий боғлиқлик мавжуд.

Жиноят таркибининг белгилари фақат қонунда кўрсатилади. Бу Жиноят кодексининг 2-моддасида аниқ ёзилган ва унда муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни қўриқлаш вазифаларини амалга ошириш учун Жиноят кодекси жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳукуқий таъсир чораларини белгилайди, дейилган.

Жиноят таркиби тузилиши бўйича тўрт элементдан иборат: объект, объектив томон, субъект ва субъектив томон.

Жиноят обьекти, бу жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, жиноий тажоввузлар шуларга қаратилган бўлади. Қасдан одам ўлдиришда жиноят обьекти инсоннинг ҳаёти, хақорат қилишда эса шахснинг шаъни ва қадр-қиммати ва ҳоказо бўлади.

Жиноятнинг объектив томони, атроф муҳитда бирон муайян ўзгаришга олиб келадиган ва сабаб бўлдиган шахснинг ақлий ва иродавий хатти-ҳаракати ташкил қиласи. Ушбу элементнинг зарурӣ белгиси қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир.

Жиноятнинг объектив томони - бу қонун томонидан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга жиддий путур етказган ёки етказа оладиган муайян ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи кўриниши, шунингдек бу путур етказишнинг жойи, вақти, вазияти ҳамда усулидир.

Жиноят таркибининг субъекти, бу жиноят содир этган жисмоний шахсадир. Жиноят субъекти фақат қилмиш учун жавоб бера оладиган, яъни жиноят қонунида кўрсатилган маълум ёшга етган (ЖК 17-м.) ва ақли расо (ЖК 18-м.) шахс бўлиши мумкин.

Субъектив томон - бу айбнинг мавжудлиги бўлиб, бунда шахснинг содир қилган ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг оқибатларига руҳий муносабати тушунилади.

Жиноят қонуни факат айбли қилмиш содир этган шахсларнигина жиноий жавобгарликка тортилишини назарда тутади.

Қилмишда қонунда кўрсатилган таркибий белгилардан бирининг йўқлиги, шу жиноят таркибининг йўқлигидан далолат беради. Масалан, Жиноят кодексининг 161-моддасидаги «қўпорувчилик» жинояти таркибининг зарурый белгиларидан бири Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадининг мавжудлигидир. Шундан келиб чиқиб, агар одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлигига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар бошқа мақсадлар билан амалга оширилган бўлса, қилмишни қўпорувчилик каби баҳолаш асоссиз бўлади¹.

Жиноят таркибининг белгилари Жиноят кодексининг 2-моддасида аниқ ёзилган ва унда муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни қўриқлаш вазифаларини амалга ошириш учун Жиноят кодекси жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа хуқуқий таъсир чораларини белгилайди, дейилган.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунида аниқ жиноят таркиблари мавжудки, уларнинг ҳар бири шу таркибни таърифловчи ўзига хос бўлган белгилардан иборат (масалан, одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик). Бу белгилар факат шу таркибга тегишли бўлиб, уни бошқа таркибдан ажратиб туради (масалан, босқинчиликни товламачиликдан). Айрим турдаги жиноят таркиблари хусусиятини таърифловчи белгиларни ўрганиш жиноят хукуки Maxsus қисми предметини ташкил қиласди.

Жиноят кодексининг 14-моддасида кўрсатилган жиноят тушунчасининг моддий-расмий холати ва Жиноят кодекси Maxsus қисми нормаларида кўрсатилган аниқ жиноят таркибларининг белгиларини умумлаштириш асосида ишлаб чиқилган.

Жиноят таркибининг умумий тушунчаси барча жиноят таркибларига тегишли бўлган белгиларни умумлашган ҳолда акс эттиради ва алоҳида таркибларнинг мазмунини ёритиш учун муҳим илмий билиш аҳамиятига эга. Аниқ жиноятларнинг ўзига хосликларини кўрсатиб ва мазмунини ёритиб, жиноят таркиби бир турдаги жиноятларнинг иккинчи турдаги жиноятлардан фарқини аниқлашга ёрдам беради. Жиноят таркиби белгиларини тўғри аниқлаш нафақат қилмишнинг қайси жиноят турига мансублигини аниқлаш масаласини, балки айбордога қайси жазо чораси қўлланилиши мумкинлиги масаласини ва шу шахс содир этган қилмиш жиноят ҳисобланиши мумкинлиги масаласини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга². Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у

¹ М.Х.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар. Т.: “ILM ZIYO”. 2006, 96-б.

² М.Х.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар. Т.: “ILM ZIYO”. 2006, 97-б.

айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади» дейилган. Демак, жиноят содир этилган ёки этилмаганлиги шу жиноятни таърифловчи қонун нормалари, яъни жиноят таркиби асосида амалга оширилади.

Жиноят таркиби тузилиши бўйича тўрт элементдан иборат: объект, объектив томон, субъект ва субъектив томон.

Объектив, яъни ташқи белгилар жиноятнинг объекти ва объектив томонини таърифлайди.

Субъектив, яъни ички белгилар жиноятнинг субъекти ва субъектив томонини таърифлайди.

Жиноятнинг субъекти деб жисмоний ақлирасо жиноий қонунда белгиланган муайян ёшга егган шахсга айтилади. Жиноят субъектининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) айбли, қасддан ёки эҳтиётсизлик асосида амалга оширилади. Мотиви, шу қилмишни содир этишга нима мажбур қилганлиги, мақсади эса, бу қилмиш натижасида нимага эришди, эришмоқчи эканлигини билдиради.

Айб тушунчаси.

Айб, бу шахснинг онг ва истак-иродаси бўлиб, қасд ёки эҳтиётсизлик шаклларини ҳосил қиласди.

Қасд тўғри ва эгри бўлиши мумкин. Тўғри қасд билан тугаши ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатни бажариш вақти билан, яъни жиноятнинг расмий таркиби билан аниқланадиган жиноят содир қилинади. Тўғри қасдан жиноят содир қилган шахс унинг ижтимоий хавфли ҳарактерини англаган ва унинг бўлишни истаган бўлади.

Жиноят таркибининг субъектив томони, шахснинг содир этаётган жиноятига нисбатан руҳий муносабатидир. Субъектив томон белгиларига айб, мотив ва мақсад киради. Айб қасд (ЖК. 21-м.) ёки эҳтиётсизлик (ЖК. 22-м.) шаклида бўлиши мумкин.

Жиноят таркиби бўлиши учун кўрсатиб ўтилган тўртта элементнинг барчаси: жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони мавжуд бўлиши ва уларнинг ҳар бирини таърифловчи қонунда кўрсатилган белгилар бўлиши шарт.

Жиноят ва жиноят таркиби тушунчалари ўзаро яқин бўлишига қарамай, бир-бирига мос келмайди ва уларни бир хил деб бўлмайди. Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ, жиноят тушунчасида қуидаги асосий белгилар ажратилган: қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг ижтимоий хавфлилиги, унинг жиноий-хуқуқий ғайриконунийлиги, ушбу қилмишни содир этган шахснинг айбдорлиги, қилмишнинг жазога лойиқлиги. Ушбу белгиларнинг йифиндиси жиноятнинг умумий тушунчасини ташкил қиласди ва жиноятнинг бошқа: маъмурий, интизомий, фуқаровий қонунбузарликлардан фарқини кўрсатиб беради. Кўрсатилган жиноят тушунчаси шундай кенг маънолики, у барча жиноятларни ўзига қамраб олади. Бу тушунча ўғрилик, қасдан одам

ўлдириш, жосуслик ва бошқа исталған жиноятни қамраб олади. Шундай қилиб, жиноят тушунчаси бир жиноятни иккинчисидан ажратиш имконини бермайды³.

Масалан, ўғрилик (169-м.) жиноятнинг умумий тушунчаси нуқтаи назаридан ижтимоий хавфли, ғайриқонунй, айбли ва жазога лойик қилмиш ҳисобланади. Жиноят таркибининг умумий тушунчаси нуқтаи назаридан ўғриликнинг аниқ фактик белгиларини ёритиш лозим. Объект - ўзгалар мулки. Объектив томон - яширин талон-торож қилиш. Шу белгиси билан ўғрилик очиқдан-очиқ содир қилинадиган талончиликдан (ЖК 166-м. 1-қ.) фарқ қиласи. Ўғриликнинг субъекти - 14 ёшга тўлган (ЖК 17-м.), ақли расо, жисмоний шахс. Субъектив томони тўғри қасдда ифодаланади. Талон-торож жиноятларига яна гаразгўйлик мақсадининг мавжудлиги ҳам хосдир. Шундай қилиб, аниқ жиноят таркибини баён қилиш, жиноятни тўғри квалификация қилишга ва жиноий жавобгарлик тўғрисидаги масалани тўғри ҳал қилишга олиб келади.

Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра турлича бўлган жиноят таркиблари Жиноят кодексининг ҳар-хил моддаларида ёки битта модданинг турли қисм ва бандларида кўрсатилиши мумкин. Масалан, қасдан одам ўлдириш жиноятининг турлари Жиноят кодексининг бешта моддасида кўрсатилган: Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми (қасдан одам ўлдириш - оддий таркиб), Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш - оғирлаштирувчи таркиб), Жиноят кодексининг 98-моддаси (онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши-енгиллаштирувчи ҳолатларга эга жиноят таркиби), Жиноят кодексининг 99-моддаси (онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши-енгиллаштирувчи ҳолатларга эга жиноят таркиби), Жиноят кодексининг 100-моддаси (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасдан одам ўлдириш - енгиллаштирувчи ҳолатларга эга жиноят таркиби), Жиноят кодексининг 101-моддаси (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш - енгиллаштирувчи ҳолатларга эга жиноят таркиби). Жиноят кодекси 169-моддасининг турли қисмлари ўғрилик жиноятининг турли таркибларини ўзида акс эттирган: ушбу модданинг 1-қисмида - асосий таркиб, 2-қисмида - оғирлаштирувчи таркиб, 3 ва 4-қисмларида алоҳида оғирлаштирувчи таркиблар кўрсатилган.

Назорат учун саволлар.

1. Жиноят таркиби нима?
2. Жиноят таркибининг қандай элементлари мавжуд?
4. Жиноят таркиби элементлари ва белгиларининг ўзаро муносабати қандай?
5. Жиноят таркибининг асосий ва қўшимча белгиларига нималар киради?
6. Жиноят таркибининг қандай турлари мавжуд?
7. Айб нима?

³ X.M.Рустамбаев. Жиноят хукуқи. Умумий қисм. Тошкент, 2004.

Таянч иборалар:

Жиноят таркиби деб аниқ бир ижтимоий хавфли қилмиш жиноят эканлигини таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йигиндисига айтилади.

Жиноят обьекти, бу жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, жиноий тажовузлар шуларга қаратилган бўлади.

Жиноятнинг обьектив томони, атроф мухитда бирон муайян ўзгаришга олиб келадиган ва сабаб бўладиган шахснинг ақлий ва иродавий хатти-ҳаракати ташкил қилади.

Жиноятнинг обьектив томони, бу қонун томонидан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга жиддий путур етказган ёки етказа оладиган муайян ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи кўриниши, шунингдек бу путур етказишнинг жойи, вақти, вазияти ҳамда усулидир.

Жиноят таркибининг субъекти, бу жиноят содир этган жисмоний шахсдир.

Айб, бу шахснинг онг ва истак-иродаси бўлиб, қасд ёки эҳтиётсизлик шаклларини ҳосил қиласди.

З -мавзу: Жавобгарлик асослари.

Режа:

1. Жиноят тушунчаси.
2. Жиноий жавобгарлик.
3. Жисмоний шахслар жавобгарлиги .

Жиноят тушунчаси.

Ўзбекистон Республика жиноят кодексининг 14-моддасида «*Айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳарактсизлик) жазо қўллаши таҳдиidi билан жиноят*» деб белгиланган.

Бу эса жиноят-ижтимоий хавфли қилмиш эканлигини англаради, чунки у содир этилганда (ёки содир этилиши мумкин бўлганда) ижтимоий муносабатларга жиддий путур етказилади. Лекин ижтимоий хавфлилик турлича бўлиши мумкин. Майда безорлик бир жамоат хавфсизлигини, ўғирликлар, танага шикаст етказиш, одам ўлдириш, бошқа жамоат хавфсизлигини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам Жиноят кодексига кўра жиноий қонун тақиқлаган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларгина жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят деб таниш учун қилмишнинг ижтимоий хавфли бўлиши ва бу қилмиш жиноят кодексида тақиқланган бўлиши лозим. Қилмишнинг ҳаракат ёки ҳаракатсиз содир этилишида айбли, ижтимоий хавфли бўлиши асосий ўринни эгаллайди. Масалан, онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши ҳаракатли ёки ҳаракатсиз амалга оширилиши мумкин. Чақалоқни бўғиб ўлдириш, сувга ташлаш, тириклийин кўмиб қўйиши ҳаракатли қилмиш турига

киради. Болани ташлаб кетиш, унга қарамасдан қийноқда қолдириш, ҳаракатсиз қилмиш турига киради.

Ҳаракатсиз айбли қилмишга-вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш мисол бўла олади.

Айбли ижтимоий хавфли қилимиш қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Жиноятни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаған ва шундай қилмишнинг содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасдан содир этилган деб топилади. Жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли оқибат юз берган вақт деб топилган қилмишлар тўғри ёки эгри қасдан содир этилиши мумкин.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаған, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасдан содир этилган деб топилади.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаған, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасдан содир этилган деб топилади.

Ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилимиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Жиноят қонуни тақиқлаган ижтимоий хавфли қилимиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) қонун қўриқлайдиган обьектларига жиддий путур етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган ҳаракат шаклида, масалан, шахснинг вояга етмаган болаларини боқишдан атайин бош тортганида бўладиган ўз бурчларини бажармаслик шаклида ифодаланиши мумкин.

Гарчи расмий жиҳатдан қонун тақиқлаган бирон-бир қилмишнинг алломатларига эга бўлса ҳам, лекин аҳамиятсизлиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят ҳисобланмайди.

Қилмиш жиноят деб топилиши учун унинг ижтимоий хавфли бўлиши ва қонун билан қўриқланадиган обьектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиши реал бўлиши шарт.

Жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир турларга бўлинади.

Хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарздаги жазо назарда тутадиган жиноятлар киради, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарздаги жазо назарда тутадиган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарздаги жазо назарда тутадиган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарздаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга беш йилдан ўн йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган қасдан қилинган жиноятлар, ўта оғир жиноятларга ўн йилдан ортиқ муддаттга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган қасдан содир қилинган жиноятлар киради.

Жиноятлар ижтимоий хавфлилиги даражасига кўра тавсифланишидан ташқари такрор, гурӯҳ томонидан содир этилган ва рецидив жиноятларга бўлинади.

Жиноий жавобгарлик.

Жиноий жавобгарлик дейилганда жиноят қонунида муайян қилмишининг жиноят сифатида ифодаланган баҳоланишини ва айборнинг уни содир қилганлик учун жамият олдида жавоб бершиини тушунмоқ керак.

Жиноий жавобгарлик жиноят оқибати бўлган жазо билан узвий боғлиқдир. Жиноий жавобгарлик жиноят қонунининг бузилишидан бошланади. Натижада қонун бузувчи содир қилинган қилмиши учун жавобгарликка тортилади, унга жиноят қонунида кўзда тутилган жазо тайинланади.

Жиноий жавобгарлик қонун билан қатъий белгиланган вақт чегараларида вужудга келади. У муайян шахс жиноят содир қилган фурсатдан бошланади ва давлат шахсга ижтимоий ёки маъмурий таъсир ўтказиш чораларини қўллаган ҳолда, жиноий жавобгарликка тортиш ҳуқуқидан воз кечганида, ёки жиноий жавобгарликка тортиш даврининг муддати тугагани, ё бу авф умумий ёки гуноҳидан ўтиш актлари муносабати билан тўхтайди.

Республикамиз Конституциясининг 19-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир». Мазкур конституциявий қоида ҳуқуқий давлатнинг белгиларидан бири бўлиб, давлат, жамият ва фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатнинг негизида қонунийлик ўрнатилишини, жамиятда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг тартибга солинишини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт», деб кўрсатилган. Бирорнинг ҳуқуқини поймол қилиш, инсонга озор бериш, бу ҳуқуқбузарлик. Лекин ҳуқуқбузарликда жавобгарлик ҳаммага ҳам бир тарзда берилмайди. Қилинган ҳуқуқбузарликнинг мотиви, оғирлаштиручи ёки енгиллаштирувчи характеристига қараб, у ёки бу ҳуқуқий нормалар асосида жавобгарликка тортиш мумкин.

Жавобгарликнинг объектив омилини ҳисобга олган ҳолда ваколатли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан мажбурлов чораларини қўллаш орқали ҳуқуқий норма қоидаларини бузган шахсга таъсир ўтказиш мумкин. Жавобгарликнинг моҳиятига қараб ҳуқуқбузар шахсга чора кўрилади .

Демак, жавобгарлик бу, бир шахснинг бошқа шахс ёки бир-неча шахслар, жамият, давлат олдида ўз бурч ва мажбуриятларини англаши ва бажариши;

бошқа инсонлар, жамият ва давлат томонидан бурч ва мажбуриятларини бузган шахсга салбий баҳо берилиши ва жазо тайинланиши назарда тутилади.

Жиноий жавобгарлик деганда, жиноят содир этган шахснинг қилмишига яраша жавоб бериши ва унга нисбатан жиноят ҳуқуқига оид мажбуров чораларининг қўлланишидан иборат мажбурияти тушунилади.

Жиноий жавобгарлик:

1. ўзининг юридик мазмунига кўра, жиноятнинг ҳуқуқий оқибатидир;

2. ижтимоий хавфли ва айбли қилмиш оқибатида юзага келади;

3. ҳукм қилиш шаклидаги давлат мажбуровида ифодаланиб, жиноий жазони қўллаш ёки қўлламаслик ёхуд жиноят ҳуқуқига оид таъсирнинг жиноий жазо бўлмаган бошқа таъсир чораларида ўз аксини топади;

4. жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар вужудга келади, амалга оширилади ва якунланади;

5. фақат суд томонидан тайинланади⁴.

Демак, жиноий жавобгарлик деганда, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда айбдор шахснинг суднинг айблов ҳукмига асосланган ҳамда жазо тайинлаш ёки тайинламаслик ёхуд жиноят ҳуқуқига оид таъсирнинг жиноий жазо бўлмаган бошқа чораларини қўллашга асосланган салбий оқибатларига мажбурий дучор бўлиши тушунилади⁵.

Жиноий жавобгарликнинг жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар доирасида юзага келиши, амалга оширилиши ва тўхтатилиши унинг моҳияти фақат мазкур ҳуқуқий муносабатлар орқали очилишини шарт қилиб қўяди.

Жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жиноят сифатида белгиланган қилмишни содир этганида юзага келади. Бу муносабат, жиноят ҳуқуқи нормалари орқали тартибга солинадиган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ва давлат ўртасидаги муносабатdir.

Бу муносабатлар вужудга келиши учун: биринчидан, унинг асосларини; иккинчидан, таркибий қисмини; учинчидан, бу муносабатларнинг амал қилиш чегарасини аниқлаш лозим.

Жиноят ҳуқуқига оид муносабатларнинг юзага келиш асослари қўйдагилардан иборат:

- ҳуқуқий норма (жиноят қонуни);
- муносабатни юзага келтирувчи ҳуқуқий далил (жиноятнинг содир этилиши).

Ўз таркибига кўра жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар: а) субъектлар (иштирокчилар); б) мазмун; в) обьектдан иборат бўлади.

⁴ X.M.Рустамбаев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент, 2004.

⁵ X.M.Рустамбаев . Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент, 2004.

Жиноят ҳуқуқига оид муносабатларнинг субъектлари (иштирокчилари) сифатида икки томонни кўрсатиш мумкин: 1) давлат; 2) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс.

Жиноят ҳуқуқига оид муносабатларнинг мавжуд бўлиш чегаралари унинг амал қилиш доирасини аниқлашга, мазкур муносабатларнинг вужудга келиши, амалга ошиши ва тўхташ вақтини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳуқуқий муносабат доимо юридик факт юзасидан вужудга келадики, унинг сабаби жиноятни содир этиш ҳисобланади. Шу билан бирга, бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга кўра, жиноят ҳуқуқига оид муносабатларни жиноий ишни қўзғаш факти билан ҳам, шахсни айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиш, шахсга айблов ҳукмини чиқариш ҳамда айблов ҳукмининг қонуний кучга кириш факти билан ҳам боғлайдилар.

Жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар чегараларини белгилашда унинг амалга ошириладиган муносабатнинг юзага келиши ва тўхташ вақтини белгилаш билан бир қаторда, амалга ошириш вақтини ҳам белгилаши керак. Чунки у жиноят ҳуқуқига оид муносабатнинг мустақил таркиби ва ўсиш динамикасини белгиловчи унсур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 13-моддаси 1-қисмида “қилмишнинг жинойлиги ва жазога лойиқлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади”, - дейилган. Жиноят кодексининг 64-моддаси 1-қисмида эса қилмишнинг жинойлиги ва жазога лойиқлиги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади, дейилади. Жиноят ҳуқуқига оид муносабат вужудга келганидан сўнг маълум вақтгача моддий мазмунга эга бўлмайди. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жиноят очилмагунича ва жиноятчи аниқланмагунича, яъни бутун давр ичидан мавжуд бўлади. Башарти, айбор шахс топилмаган тақдирда, айниқса жиноят очилмай қолса, унда жиноят ҳуқуқига оид муносабат жиноят содир этилган вақтда бошланади. Жиноий жавобгарликка тортиш қонунда белгиланган муддатда бошланиб, унинг охирида тугалланади. Жиноят ҳуқуқига оид муносабат вужудга келиши ва бир неча вақт давомида амалга ошмаган ҳолда мавжуд бўлиши ёки субъектларнинг муайян фаолиятига мужассамлашмаган ҳолда тугалланиши мумкин.

Хуллас, жиноят ҳуқуқига оид муносабатнинг вужудга келиши учун шахс томонидан жиноят ҳуқуқига оид нормадаги тақиқни бузиш, яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этишнинг ўзи кифоя қиласди. Жиноят ҳуқуқига оид муносабатни амалга оширишга келсак, у ваколатли органларнинг фаолияти давомида жиноят ҳуқуқига оид муносабатларнинг амал қилиш босқичларида жиноятнинг моддий (фактик) мазмунини бажариш жараёнида амалга оширилади.

Жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлалигича амалга оширилиши билан тугалланади. Мухофаза қилинаётган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан ҳолда мазкур умумий

қоидага аниқлик киритиш орқали ҳуқуқий муносабатларни тугаллаш учун бир қатор асосларни ажратиш мумкин:

- 1) тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини қўллаш;
- 2) шахс устидан ҳукм чиқариш:
 - а) жазони қўлламаган ҳолда;
 - б) вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда;
- 3) жиноий жавобгарликдан тўлиқ озод этиш;
- 4) жиноий жазодан тўлиқ озод этиш;
- 5) судланганлик холатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши;
- 6) ижтимоий хавфли жиноят содир этган шахснинг ўлими.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга жиноят қонунида назарда тутилган жиноят ҳуқуқига оид таъсир чораларини қўллаш усуllibарига кўра, ҳуқуқий муносабатлар қуидаги турларга бўлинади: 1) шахсни жазога ҳукм этишда ифодаланган муносабатлар; 2) шахсга ҳуқуқий таъсирнинг жазо бўлмаган чораларини қўллашда ифодаланган муносабатлар.

Демак, ҳуқуқий муносабатларнинг биринчи гуруҳи ўзининг таркибий қисми сифатида жиноий жавобгарлик орқали амалга оширилишини назарда тутади. У жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар босқичларидан бири бўлиб, жиноий жазони амалга оширишнинг турли шаклларида, яъни шахсни жазога ҳукм этиш ёки суднинг айблов ҳукмида ўз аксини топади. Иккинчи гурух ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш суд ажримига асосан, шахсга нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари тайинлашда ифодаланади.

Муайян ҳуқуқий муносабат мазмунига кўра, жиноий жавобгарлик қуидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин: 1) айбланувчига жазо тайинланмаган ҳолда ҳукм чиқариш; 2) айбланувчига жазо тайинлаш, аммо уни реал ижро этмаган ҳолда ҳукм чиқариш; 3) айбланувчига жазо тайинлаш ва уни ижро этиш орқали ҳукм чиқариш; 4) айбланувчига тиббий йўсингдаги мажбурлов чораси сифатидаги жазони тайинлаш ва уни амалда бажариш орқали ҳукм чиқариш; 5) вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинламаган ҳолда мажбурлов чораларини қўллаш.

Жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг биринчи шакли айблов ҳукмини чиқариш орқали ўз ниҳоясига етади. Жиноят кодексининг 70-моддасига мувофиқ, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишига ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди, деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин. Жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг мазкур шаклининг бошқа тури Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган. Унга кўра, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш каби қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки

психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади. Жиноий жавобгарликни мазкур шаклда амалга ошириш шахс жазога ҳукм этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликни шахсга нисбатан жазо тайинлаш ва уни реал ижро этмаган ҳолда жазога ҳукм этишда жиноий жавобгарлик меъёри айблов ҳукми қарорини чиқариш билан тугалланиб, унда тегишли жазо чораси белгиланади. Агар, етарлича зарурат бўлмаса ёки жазолаш мақсадида бошқа чоралар билан эришиш мумкин бўлса, жазо ижро этилмайди. Жиноят кодексининг 72-моддасига мувофиқ, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айборнинг шахси ва ишдаги бошқа холатларни эътиборга олиб, айбор тайинланган жазони ўтамасидан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўлланиши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг кенг қўлланиладиган шакли шахсга жазо тайинлаш ва уни ижро этиш орқали жазога ҳукм қилиш ҳисобланади. Бунда жиноий жавобгарлик шахс томонидан жазо ўталган ёки у муддатдан олдин шартли озод қилинган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Жиноят кодекси 96-моддасининг 1-қисмiga асосан, алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга, уларга тиббий йўсиндаги чораларни ҳам тайинлаши мумкин. Мазкур ҳолларда жиноий жавобгарлик айбор шахсни жазога ҳукм қилиш, унга нисбатан жазо ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳамда уларни ҳақиқатда амалга ошириш шаклида ифодаланади. Мазкур шаклда жиноий жавобгарлик жазони ўташ ёки қўллаш ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни тугатиш ва олиб ташлаш вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи вояга етмаганларга жиноий жавобгарликнинг мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган. Жиноят кодекси 87-моддасининг 2-қисмiga биноан, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Суд қарорига асосан, вояга етмаган шахсга нисбатан қўлланилган жиноий жавобгарлик мажбурлов чораси амалга оширилган вақтдан бошлаб тугаган деб ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликка якуний баҳо суднинг айблов ҳукмида чиқарилиб, мазкур умумий асос судланувчини жиноят содир этишда айбдор деб тан олишга имкон беради. Айблов ҳукмида ижтимоий хавфли қилмишга салбий баҳо бериш, шахсни ҳукм этишга, яъни жиноий жавобгарликнинг юзага келиши ҳамда унинг судда тайинланган шаклида амалга оширилишига сабаб бўлади.

Жисмоний шахслар жавобгарлиги.

Жиноят қонуни, жиноят субъекти деб факат жисмоний шахс, яъни инсон тушунилади. Ақли расо жисмоний шахслар ўн олти ёшга тўлгандан кейин жиноий жазога тортилади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 17-моддасига биноан жисмоний шахсларнинг жиноий жазога тортилишида ёши уч хилга бўлинади: 13, 14-16, 16-18 ёшгача.

Жиноий жавобгарликнинг бошланишидаги умумий ёш чегараси 16 ёш деб белгиланган. Битта жиноят учун-оғирлаштирилган ҳолатларда одам ўлдириш вояга етмаганлар 13 ёшдан жиноий жазога тортилади.

Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар қуидаги жиноятлар учун жазога тортиладилар:

1. қасдан одам ўлириш (ЖК 97-моддасининг 1-қисми);
2. кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш (ЖК 98-моддаси);
3. қасдан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-моддаси);
4. қасдан баданга ўртacha оғир шикаст етказиш (ЖК 105-моддаси);
5. кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртacha оғир шикаст етказиш (ЖК 106-моддаси);
6. номусга тегиш (ЖК 118-моддаси);
7. жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119-моддаси);
8. одам ўғирлаш (ЖК 137-моддаси);
9. босқинчилик (ЖК 164-моддаси);
10. товламачилик (ЖК 165-моддаси);
11. талончилик (ЖК 166-моддаси);
12. ўғрилик (ЖК 169-моддаси);
13. мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш айбни оғирлаштирувчи ҳолатларида содир этилган бўлса (ЖК 173-моддаси 2-ва 3-қисмлар);
14. озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар (ЖК 220-моддаси);
15. қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш (ЖК 222-моддаси);
16. ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равиша эгаллаш (ЖК 247-моддаси);

17. радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равища эгаллаш (ЖК 252-моддаси);

18. темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш (ЖК 263-моддаси);

19. транспорт воситасини олиб қочиш (ЖК 267-моддаси);

20. гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равища эгаллаш (ЖК 271-моддаси);

21. айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар содир этилган безорлик қонунга ҳилоф равища эгаллаш (ЖК 277-моддаси 2-ва 3-қисмлари).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига биноан қуидаги жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар 18 ёшга тўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

1. ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун (ЖК 123-моддаси);

2. вояга етмаган шахсни ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга жалб қилиш учун (ЖК 127-моддаси);

3. фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 144-моддаси);

4. сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун-ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-моддаси);

5. экология хавфсизлигига оид нормалар талабларини бузиш (ЖК 193-моддаси);

6. атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (ЖК 194-моддаси);

7. атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (ЖК 195-моддаси);

8. ҳокимият ёки мансаб ваколатини сустеъмол қилиш (ЖК 205-моддаси);

9. ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-моддаси);

10. мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК 207-моддаси);

11. ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-моддаси);

12. мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-моддаси);

13. пора олиш (ЖК 210-моддаси);

14. ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (ЖК 225-моддаси);

15. маъмурий назорат қоидаларини бузиш (ЖК 226-моддаси);

16. айбсиз кишини жавобгарликка тортиш (ЖК 230-моддаси);

17. адолатсиз ҳукм, ҳал қилувчи қарор, ажрим ёки қарор чиқариш (ЖК 231-моддаси);

18. суд қарорини бажармаслик (ЖК 232-моддаси);

19. қонунга ҳилоф равища ушлаб туриш ёки хибсга олиш (ЖК 234-моддаси);

20. кўрсатма беришга мажбур қилиш (ЖК 235-моддаси);

21. шунингдек еттинчи бўлимдаги ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун ҳам жавобгарликка тортилади (ЖК 279-302 моддалари);

Юқорида айтиб ўтилган жиноятлар бўйича фақат ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарзда руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Мастлик ҳолатида ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди.

Жазо ва уни тайинлаш.

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган қамоқ маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига мувофиқ, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо давлат томонидан жиноятчиликка қарши курашда, ҳамда жиноят қонунчилиги вазифаларини амалга оширишда, яъни шахсга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига, мулкка, табиий муҳитга, тинчликка, инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноий тажовузлардан кўриқлашда, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашда фойдаланиладиган муҳим чоралардан биридир. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари жиноий жазо ёрдамида ғайриижтимоий хулқقا эга бўлган шахсларнинг жиноий тажовузларидан ҳимоя қилинади. Жазо Ўзбекистон халқининг иродасига мос равишда жиноят қонунчилиги орқали белгиланади. Жиноят учун жазонинг муқаррарлиги жиноят қонуни билан жамиятдаги ижтимоий жараёнларга таъсир этишининг ўзига хос усули бўлиб бу, ўз навбатида, шахс ахлоқини тартибга солади.

Жазо давлат мажбурлов чораси сифатида фақат шу турдаги мажбурлов чораларига хос бўлган белгилар йиғиндиси орқали тавсифланади. Жазонинг белгилари қўйидагилардан иборат:

- 1) давлатнинг алоҳида мажбурлов чораси эканлиги;
- 2) қатъий хусусий тавсифга эгалиги;

3) жиноят содир қилган шахснинг ҳуқук ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқлиги;

4) қонунда жиноят сифатида кўрсатилган қилмишни содир этган шахсга нисбатан қўлланиши мумкинлиги;

5) фақат суд ҳуқмига кўра тайинланиши;

6) алоҳида жиноий-ҳуқуқий оқибат - судланганликни келтириб чиқариши.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасига биноан қўйидаги асосий жазолар мавжуд:

а. жарима;

б.муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;

в.аҳлоқ тузатиш ишлари;

г.хизмат бўйича чеклаш;

д.интизомий қисмга жўнатиш;

е.озодликдан маҳрум қилиш;

с.умрбод қамоқ ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазодан ташқари ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш тарздаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатида эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Жарима айбордан давлат даромадига пул ундиришdir.

Агар маҳкум жазо тариқасида тайинланган жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини аҳлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда аҳлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланишдан маҳрум қилишни билдиради.

ЖКнинг 46-моддасига биноан аҳлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоиздан ўттиз фоизгача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни маҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборатдир. Жазо суд ҳуқмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Аҳлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиши учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Хизмат бўйича чеклаш фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиб, айни пайтда мазкур жазо бўйича жавобгарликка тортилаганларнинг рўйхати ҳам чекланган.

Қамоқ-шахсни батамом ажратган шароит остида саклашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади.

Интизомий қисмга жўнатиш уч ойдан бир йил муддатгача ёки уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ўрнига оддий аскар ва сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилариға қўлланиладиган жазо туридир. Бу жазо суд томонидан белгиланган муддатга муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этиш орқали амалга оширилади.

Интизомий қисмга жўнатиш Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари (279-м. 1-қ., 280-м. 1-қ., 281-м. 1-қ., 283-м. 1-қ. ва б.)да назарда тутилган ҳолларда асосий жазо чораси сифатида ҳарбий суд томонидан уч ойдан бир йилгача белгиланиши мумкин.

Ҳарбий суд, ЖК 49-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, бевосита қонун санкцияларида кўрсатилмаган бўлса ҳам ҳарбий, шунингдек бошқа жиноятларни содир этганлиги учун ҳарбий хизматчиларга интизомий қисмга жўнатиш жазосини тайинлаши мумкин. Суд иш ҳолатлари ҳамда маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда муддатли ҳарбий хизматчига нисбатан уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

Кўриб чиқилаётган жазо чораси ўзига хос бўлиб, фақат муддатли ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиши мумкин. У шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган офицер ва ҳарбий хизматчиларга қўлланилмайди.

Суд озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчини интизомий қисмга жўнатишда, аввало, ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш муддатини белгилаши, кейин эса унинг шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш билан алмаштирилганини кўрсатиши лозим.

Интизомий қисмда жазо ўтаётган шахс ҳарбий хизматчи ҳисобланади ва шу қисмда амал қилаётган низомга қўра, ҳарбий хизматни ўтайди. Ҳарбий хизматчи бу қисмдан озод этилганидан кейин ҳарбий хизматини давом эттириш учун ўзининг олдинги ҳарбий қисмига қайтиб боради. Бу жазони ўташ муддати ҳарбий хизматчиларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддатига кирмайди, муддатли ҳарбий хизматчилар учун назарда тутилган таътил маҳкумларга берилмайди. Ҳарбий мутахассисликка эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Уставининг талабларини пухта ва аниқ бажарган ҳамда интизомий қисмдан озод бўлганидан кейин хизматни бенуҳсон адо этган ҳарбий хизматчиларга интизомий қисмда бўлган вақтлари қўмондонлик томонидан муддатли ҳарбий хизмат вақтига қўшилиши мумкин.

ЖК 78-моддасининг «б» қисмига асосан, интизомий қисмда жазони ўтаган ёки ундан муддатидан олдин озод бўлган ҳарбий хизматчи судланмаган ҳисобланади, яъни унинг судланганлик ҳолати тугатилади.

Озодликдан маҳрум қилиш энг оғир жазодан бири бўлиб ҳисобланади. Бу жазо айборни жамиятдан ажратилган шароитда унга мажбурий таъсир чоралари кўрсатиш зарур бўлганда қўлланилади.

Озодликдан маҳрум қилинган шахс, одатда, тўлиқ жазо муддатини бир жазо колонияси ёки тарбиявий колонияда ўташи лозим, ЖИКнинг 57-59-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонунчилиги жазони ўташ чоғидаги намунали хулқи учун эркак ва аёл маҳкумларни рафбатлантириш чораси сифатида, умумий ёки қаттиқ тартибдаги колониялардан манзил-колонияларига ўтказишни назарда тутади. Бунда улар олдин қандай тартибдаги колонияларда сақланганлигидан қатъи назар, эркак ва аёл маҳкумлар бир манзил-колонияларида биргаликда сақланиши мумкин.

Ажратилиш даражаси ва сақланиш шароитига кўра, анчагина қаттиқ бўлган жазони ижро этиш муассасаси - бу турма. Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш жазоси судлар томонидан фақат 18 ёшга тўлган ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган ва бунинг учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган, шунингдек ўта хавфли рецидивистларга белгиланади. Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум этиш жазосига муддатнинг бир қисми, яъни беш йилдан ортиқ бўлмаган муддати тайинланиши мумкин. Масалан, суд судланувчини саккиз йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилса, унинг биринчи уч йилини турмада, қолган беш йилини колонияда ўташини белгилаши мумкин.

ЖК 50-моддаси 8-қисмiga мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг жазони ўташ жараёнидаги хулқи инобатга олинib, қонунда кўзда тутилган ҳолларда, бир жазони ижро этиш муассасасидан бошқасига ўтказилади (масалан, тарбиявий колониядан жазони ижро этиш колониясига, маҳсус тартибдаги колониядан қаттиқ тартибдаги колонияга, жазони ижро этиш колониясидан манзил-колониясига). Маҳкумга белгиланган жазони ижро этиш муассасаси турини ўзгартириш суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 537-моддасига асосан, мазкур муассаса маъмурияти тақдимномасига кўра ҳамда жиноят-ижроия қонунчилигига белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жиноят қонунчилиги озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойини ўзгартириш асосини кўрсатиб ўтган. Жумладан, суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказади.

Жазони ижро этиш муассасаларнинг маъмурияти майший жиҳатдан ва ишга жойлаштиришда эҳтиёж сезган шахсларни аниқлашда, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган шахслар яшаш жойини танлаган ердаги уларни жамиятга мослаштириш марказига олдиндан қуидагилар ҳақида хабар беради: шахснинг тез орада озод этилиши, унинг яшаш жойи бор-йўқлиги, мутахассислиги, меҳнатга лаёқати ва ҳ. к.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1997 йил 19 июлдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти ҳақида»ги 16-сонли қарорида шундай қарор қабул қилди: «Судлар оғир жиноятларни содир этган шахсларга, уюшган гурӯҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига, муқаддам судланганларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини қўллашлари лозим». Бунда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажоввуз қилиш, порахўрлик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ҳамда қуроллар тарқатиш, шунингдек республика иқтисодиётига зарар етказувчи жиноятлар алоҳида хавф туғдиришини назарда тутиш керак. Бундай шахсларга нисбатан ён босишининг ҳар қандай кўринишлари қонунийликни жиддий бузиш деб баҳоланиши лозим. Шунингдек оғир жазо чоралари, ЖК 7-моддасининг 3-қисмига асосан, бошқа чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган ҳолдагина тайинланиши мумкинлиги ҳам эътиборга олиниши керак.

Жазони узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод жазо билан қўллаш алоҳида тартибда амалга оширилади ва у ўлим жазосини ўрнини босиш даражада оғир жазо қаторига киради.

Қўшимча жазо сифатида ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш жазоси айбдорнинг оғир ёки ўта оғир жинояти учун маҳрум этилишда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 43-моддасининг 2-қисмida қўшимча жазолар рўйхати келтирилган. Қўшимча жазо - шундай жазоки, у мустақил равишда қўлланилмай, қайсиdir асосий жазо билан биргаликда белгиланади. Қонунда фақат бир турдаги жазо, яъни ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш қўшимча жазо турига киритилган. Қўшимча жазолар ёрдамчи хусусиятга эга бўлиб, судга содир этилган жиноят оғирлигига мос жазо чорасини индивидуаллаштириш ва умумий ҳамда маҳсус мажбурлов таъсирига эришиш имконини беради.

Жиноят қонунида (ЖК 43-м. 4-б.) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатида эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши кўзда тутилган.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш - бу ЖКнинг 45-моддасида назарда тутилган жазо чораси бўлиб, суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхона, муассаса ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Бундай мансаб ёки фаолиятни суд ўз айблов ҳукми қарорида белгилайди.

ЖК 45-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлик бўлган жиноятни

содир этганлиги учун тайинланади. Ушбу жазо суд томонидан асосий жазо тариқасида бир йилдан беш йилгача муддатга тайинланади. Бундай жазо тури ЖК 116-моддасининг 1 ва 2-қисмлари, 133-моддасининг 1-қисми, 141-моддасининг 1-қисми, 143-моддаси, 145-моддасининг 1-қисми ва бошқа моддаларнинг мазмунини ташкил қиласи. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг содир этган жинояти мансаби ёки муайян фаолияти бўйича содир этилган ҳолатларда, маҳкумнинг бажариб турган фаолияти ёки мансабини сақлаб қолиш мумкин бўлмаган ҳолларда суд томонидан белгиланиши мумкин.

Маҳкумни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг моҳияти уни ишлаётган тизимида ишлаш ҳуқуқдан эмас, балки муайян мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилишдир. Шунинг учун ҳам бундай жазо тайинланаётганда қандай мансабни эгаллаш тақиқланиши аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш маҳкумга ҳукмда кўрсатилган муддатда, бу унинг доимий ёки вақтинчалик иши бўлишидан қатъи назар, жиноят содир этилган фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборат. Масалан, овчилик тартибини бузганлиги учун (ЖК 202-м.) айбдор ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Ёки ЖКнинг 266-моддасига кўра, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун айбдор транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Ҳарбий ёки маҳсус унвонлардан, класс даражалари ва бошқа унвонлар, шунингдек мукофотлардан маҳрум қилиш жазоси маҳкумга ахлоқий таъсир кўрсатиш ва ҳарбий, маҳсус ёки фахрий унвонга эга ёхуд орден, медаль ва ёрлиқлар билан мукофотланганлар учун белгиланган муайян имтиёзлардан маҳрум қилишни назарда тутади.

ЖКнинг 43-моддасига мувофиқ, ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш фақат қўшимча жазо сифатида қўлланиши мумкин. Айбдорга нисбатан жазо қўллашга ЖКнинг 52-моддасига мувофиқ, оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этиш асос бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Жиноят деб таниш учун қилмишнинг қандай хавфли бўлиши шарт?
2. Айбли ижтимоий хавфли қилимиш қандай шаклларда содир этилади?
3. Хавфи катта бўлмаган жиноятларга қандай жиноятлар киради?
4. Унча оғир бўлмаган жиноятларга қандай жиноятлар киради?
5. Жиноий жавобгарлик тушунчасини изоҳланг.
6. Жиноятнинг ҳуқуқий оқибатлари, деганда нимани тушунасиз?
7. Ижтимоий хавфли ва айбли қилмиш нималар оқибатида юзага келади?
8. Жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар қандай шаклларда амалга оширилади?
9. Жиноий жазо ким томонидан тайинланади?
10. Жиноий жавобгарликнинг бошланишидаги умумий ёш чегарасини кўрсатинг.
11. Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар қайси жиноятлар учун жазога тортиладилар?

12. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига биноан қайси жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар 18 ёшга тўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар?

13. Жиноий жавобгарликнинг бошланишидаги умумий ёш чегараси неча ёшдан бошланади?

14. Қайси жиноят учун вояга етмаганлар 13 ёшдан жиноий жазога тортилади

Таянч иборалар:

«Айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаректизлиқ) жазо қўллаш таҳди迪 билан жиноят» деб белгиланган.

Жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир турларга бўлинади.

Жиноий жавобгарлик дейилганда жиноят қонунида муайян қилмишнинг жиноят сифатида ифодаланган баҳоланишини ва айборнинг уни содир қилганлик учун жамият олдида жавоб беришини тушунмоқ керак

Жиноят таркиби - бу қонун томонидан аниқланган аломатлар йиғиндиси бўлиб, уларнинг мавжудлиги жиноят сифатини тавсифлайди.

Қилмиш жиноят деб топилиши учун унинг ижтимоий хавфли бўлиши ва қонун билан қўриқланадиган обьектларга заар етказадиган ёки шундай заар етказиши реал бўлиши шарт.

Объектив, яъни ташқи белгилар жиноятнинг обьекти ва обьектив томонини таърифлайди.

Субъектив, яъни ички белгилар жиноятнинг субъекти ва субъектив томонини таърифлайди

Жиноятнинг субъекти деб жисмоний ақлирасо жиноий қонунда белгиланган муайян ёшга егган шахсга айтилади

Жавобгарлик - бу, бир шахснинг бошқа шахс ёки бир-нече шахслар, жамият, давлат олдида ўз бурч ва мажбуриятларини англаши ва бажариши; бошқа инсонлар, жамият ва давлат томонидан бурч ва мажбуриятларини бузган шахсга салбий баҳо берилиши ва жазо тайинланиши назарда тутилади.

Жиноий жавобгарлик деганда, жиноят содир этган шахснинг қилмишига яраша жавоб бериши ва унга нисбатан жиноят ҳуқуқига оид мажбуровлор чораларининг қўлланишидан иборат мажбурияти тушунилади.

Жиноий жавобгарлик деганда, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда айбор шахснинг суднинг айлов ҳукмига асосланган ҳамда жазо тайинлаш ёки тайинламаслик ёхуд жиноят ҳуқуқига оид таъсирнинг жиноий жазо бўлмаган бошқа чораларини қўллашга асосланган салбий оқибатларига мажбурий дучор бўлиши тушунилади.

Ҳукм қилиш шаклидаги давлат мажбуровида ифодаланиб, жиноий жазони қўллаш ёки қўлламаслик ёхуд жиноят ҳуқуқига оид таъсирнинг жиноий жазо бўлмаган бошқа таъсир чораларида ўз аксини топади

4-Мавзу: Жиноятда иштирокчилик .

Режа:

1. Иштирокчилик тушунчаси.
2. Иштирокчилик турлари.

Иштирокчилик тушунчаси.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалалиши катнашиши иштирокчилик деб топилади (ЖК 27-моддаси).

Объектив томонидан иштирокчилик:

- икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг мавжудлиги;
- бирликдаги иштироки билан тавсифланади.

Субъектив томондан иштирокчилик:

- қасдан айб шаклининг мавжудлиги;
- ўзаро ахборот алмашув (билинглилар) билан изоҳланади.

Жиноят қонунчилигига тўрт турдаги иштирокчилар кўрсатилган, Булар: *бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчилар*.

Жиноятнинг бажарувчиси деб:

- жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган шахслар;
- жиноятни бевосита содир этмаган, бироқ содир этиш учун бошқа жиноят қонунига қўра жавобгарликка тортилмайдиган шахслардан фойдаланганларга айтилади.

Субъектив томондан бажарувчининг қилмиши ҳамиша қасдан ҳисобланади.

Ташкилотчига хос хусусиятлар:

- жиноятни содир этишга таёргарлик учун раҳбарлик қилиш;
- жиноятни содир этишга раҳбарлик қилиш кабилар.

Далолатчилик, бу ўзга шахсни жиноятни содир этишга ундаш ёки жиноий фаолиятда катнашишга қизиқтиришда ифодаланади.

Ёрдамчи деб, жиноятни содир этишга кўмаклашган шахсга айтилади.

Субъектив томондан ташкилотчи ва далолатчиларнинг фаолияти тўғри қасд билан амалга оширилади.

Иштирокчиликка муайян шаклни бағишлийдиган белгилар объектив ва субъектив томонини таърифлагани боис иштирокчилик шаклларини таснифлаш асосига объектив ва субъектив мезонлар қўйилган бўлади.

Иштирокчилик турлари.

Объектив мезон биргаликда содир этиш белгиси билан олдиндан аниқланади ва у иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракати хусусиятини очиб беради. Субъектив мезон иштирокчилар жиноий фаолиятининг мувофиқлашиш даражасини белгилайди. Иккала мезон ҳам ажралмас бир бутунликни ташкил этиб, уларнинг йиғиндиси иштирокчиликнинг тўрт шаклга бўлиш имконини беради.

Булар:

- оддий шакл;
- мураккаб шакл;

- уюшган гурух;
- жиноий уюшма.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг одиндан тил бириктириб жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг одиндан тил бириктирмай жиноят содир этилишда иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гурухга бирлашиши уюшган гурух деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гурухнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади (ЖК 29-моддаси).

Назорат учун саволлар:

1. Иштирокчилик нима?
2. Объектив томондан иштирокчилик қандай турларга бўлинади?
3. Субъектив томондан иштирокчилик турларини кўрсатинг.
4. Жиноят қонунчилигида неча турдаги иштирокчилар кўрсатилган;
5. Иштрокчиликда бажарувчи қандай шахс?
6. Иштрокчиликда ташкилотчи нима ишлар қиласди?
7. Иштрокчиликда далолатчига таъриф беринг.
8. Иштрокчиликда ёрдамчилар нима ишлар қиласди?

Таянч иборалар:

- Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасдан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади.
- Жиноятнинг бажарувчиси деб: жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган шахслар.
- Жиноятни бевосита содир этмаган, бироқ содир этиш учун бошқа жиноят қонунига кўра жавобгарликка тортилмайдиган шахслардан фойдаланганларга айтилади.
- Далолатчилик, бу ўзга шахсни жиноят содир этишга ундаш ёки жиноий фаолиятда қатнашишга қизиқтиришда ифодаланади.
- Ёрдамчи деб, жиноятни содир этишга кўмаклашган шахсга айтилади.

5-Мавзу: Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар.

Режа:

1. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлари.
2. Зарурий мудофаа. Охирги зарурият.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар.

Турмушда кўпгина шундай ҳодисалар учраб турадики, шахснинг ҳаракатлари расман айрим жиноят белгиларига тўғри келади, бироқ қонунда назарда тутилган бир қанча ҳолатларга кўра бундай деб топилмайди. Маълумки, фақат ижтимоий хавфли ва хукуққа хилоф қилиш жиноят деб аталади. Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 35-моддасига биноан қуйидаги ҳолатлар:

- яъни кам аҳамиятли қилмишлар;
- зарурий мудофаа;

- охирги зарурат;
- ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида заар етказиш;
 - буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик жиноятини истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади;
 - ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида заар етказиш;
 - ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида заар етказиш.

Кам аҳамиятли қилмиш: қилинган қилмиш жиноят сифатида қонунда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик деб топилмайди.

Зарурий мудофаа. Охирги зарурият.

Зарурий мудофаа. Жиноят алоҳида кўрсатилган қилмиш зарурий мудофаа ҳолатида содир этилса, яъни мудофааланувчининг ёки бошқа кишининг шахси ёки хуқуqlари, жамият ва давлат манфаатлари жамият учун хавфли ҳаракатлардан тажовуз қилувчига заар келтириш йўли билан ҳимоя қилинса, агар шу билан бирга зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди, бунда мудофаанинг тажовуз ҳарактери ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмаслиги тушунилади.

Зарурий мудофаа-бу жиноий тажовузга фаол қарши туришдир. Уни ҳар бир фуқаро амалга ошира олади. Бу унинг ҳаққидир. Бунда у ўзида жиноятчидан қочиб ёки ёрдам беришни сўраб бошқа шахсларга ёинки ҳокимият идораларига мурожаат қилиш имкони бўлганида ҳам ҳаққидир. Муайян тоифадаги шахслар учун зарурий мудофаа хуқуққина эмас, балки мажбурият ҳамдир.

Охирги зарурият. Жиноят қонунида назарда тутилган ҳаракатлар, гарчи жиноят белгиларига эга бўлса-да, охирги зарурат ҳолатида қилинса, яъни давлат манфаатларига, жамият манфаатларига, шу шахснинг ёки хуқуqlariga кўрқинчли бўлган хавфни қайтариш учун қилинган бўлса ва шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтариш мумкин бўлмаган бўлса ҳамда келтирилган заар олди олинган заарга қараганда камроқ бўлса, жиноят ҳисобланмайди. Охирги заруратда заар келтириш хавфи ҳақиқатан пайдо бўлган бўлиши ёки муқаррар бошланишини, у шахснинг ҳаёлида эмас, балки амалда мавжуд бўлиши керак. Шахснинг хавфни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ўз вақтида бўлиши лозим.

Жиноят содир этилганда унинг енгиллаштирилган ёки оғирлаштирилган ҳолатларига аҳамият берилади.

Енгиллаштирувчи ҳолатларга эга жиноят таркиби (имтиёзли таркиб ҳам дейилади) асосий таркибга қўшилиб, ушбу турдаги жиноятнинг ижтимоий

хавфилик даражасини камайтирувчи ҳолатлардан иборат таркибидир. Масалан, Жиноят кодексининг 100-моддасида енгиллаштирувчи ҳолат, яъни зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш жинояти учун жавобгарликни белгилайди.

Оғирлаштирувчи ҳолатларга эга жиноят таркибида асосий таркиб белгилари билан бир қаторда, жиноятнинг ижтимоий хавфилик даражасини оширадиган ҳолатлар мавжуд бўлади. Бундай ҳолатлар бир нечта, шу билан бирга, улар жиноят таркиби элементларининг барчасига ёки ҳаммасига тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмида 17 та оғирлаштирувчи ҳолат кўрсатилган (икки ёки ундан ортиқ шахсни («а» б.), ўта шафқатсизлик билан («ж» б.), киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида («н» б.), бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда («п» б.) қасдан ўлдириш ва б.).

Алоҳида оғирлаштирувчи таркиб асосий таркибнинг ўзида оғирлаштирувчи ҳолатларни акс эттиради. Бунда ижтимоий хавфилик даражаси оғирлаштирувчи таркибдан ҳам юкори бўлади. Масалан, алоҳида оғирлаштирувчи таркиб сифатида Жиноят кодексининг 164-моддаси 3 ва 4-қисмларидаги таркибларини кўрсатиш мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш. Жиноят содир қилган шахсни жиноят содир қилиш пайтида ёки бевосита шундан кейин уни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлашга қаратилган ҳаракатлар, бунда ушлаш воситалари ва усуулларининг жиноят ва уни содир қилган шахс ҳавфлилигига, ушлаш вазиятига бутунлай мувофиқ келмаслигига йўл қўйилмаган бўлса, қонуний ҳисобланади. Жиноятчини тутиш ҳарактларининг қонунийлигини баҳолашда унинг ушланишидан қутулиш ҳаракатлари, ушланувчининг кучи ва имкониятлари, унинг ушланиш факти билан боғлиқ руҳий ҳолати ҳамда бошқа шароитлар ҳисобга олинади.

Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш. Зарар етказиш, агар унга йўл қўйган шахс буйруқ ёки бошқа фармойишни ҳамда ўз лавозими назарда тутган бурчларни қонуний адo этган бўлса, жиноят ҳисобланмайди. Бунда буйруқ, фармойиш ёки бурчларни бажариш вақтида етказилган зарар муҳим шарт ҳисобланмайди. Ноқонуний буйруқ, фармойиш ёки юклатилган бурчларни бажариш жавобгарликдан озод этмайди. Бунда зарар етказган шахс умумий асосларда жиноий жавобгар бўлади.

Қонун жиноий буйруқ ёки фармойишни бажариш вақтида етказилган зарар учун жиноий жавобгарликни назарда тутиб, бундай буйруқ, фармойиш ёки ноқонуний юклатилган бурчларни бажармаган ё бузган шахсларни жавобгарликдан озод қиласди.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик. Кишилар ишлаб чиқариш зарурати туфайли қонунни бузувчи, лекин фойдали

ҳаракатларни қилишга таваккал қилингандаридан қанчадан-қанча ташвишлар, адолатсизликларни бошдан кечирмадилар. Уларни ҳатто жиноий жавобгарликка тортардилар. Ҳаммаси қонуний, расман түгри бўлиб, моҳият жиҳатдан ижтимоий-фойдали ҳаракатлар сунъий тарзда ижтимоий хавфли ҳаракатларга айлантирилади. Бугунги кунда жиноят қонунлари ҳаракатлар, гарчи жиноят белгиларига эга бўлса-да, лекин ўринли қасбий ёки хўжалик таваккалчилигидан иборат бўлса, жиноят ҳисобланмаслигини назарда тутади.

Назорат учун саволлар:

Кам аҳамиятли қилмиш деганда нимани тушунасиз?

Зарурий мудофаа нима?

Охирги зарурият нима?

Қасб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик тушунчасини изоҳланг.

Таянч иборалар:

Кам аҳамиятли қилмиш: қилинган қилмиш жиноят сифатида қонунда назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик деб топилмайди.

Зарурий мудофаа-бу жиноий тажовузга фаол қарши туришdir.

Охирги зарурият. Жиноят қонунида назарда тутилган ҳаракатлар, гарчи жиноят белгиларига эга бўлса-да, охирги зарурат ҳолатида қилинса, яъни давлат манфаатларига, жамият манфаатларига, шу шахснинг ёки ҳуқуқларига қўрқинчли бўлган хавфи қайтариш учун қилинган бўлса ва шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтариш мумкин бўлмаган бўлса, ҳамда келтирилган заар олди олинган заарга қараганда камроқ бўлса, жиноят ҳисобланмайди

Зарурий мудофаа. Жиноят алоҳида қўрсатилган қилмиш зарурий мудофаа ҳолатида содир этилса, яъни мудофааланувчининг ёки бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатлари жамият учун хавфли ҳаракатлардан тажовуз қилувчига заар келтириш йўли билан ҳимоя қилинса, агар шу билан бирга зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди, бунда мудофаанинг тажовуз характеристери ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмаслиги тушунилади.

6-Мавзу: Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш асослари.

Жиноят қонунларида жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш турлари.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар.

Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар.

Жиноят қонунларида жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш турлари.

Жиноят қонунларида жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш турлари кўрсатилган. Содир этилган қилмиши учун жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг имконияти масаласи икки омилдан иборатдир:

шахснинг жиноят белгиларини ифодалаган қилмишни содир этганда, шунингдек уни жиноий жавобгарликка тортиш учун барча асослар мавжуд бўлганда;

мазкур шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш учун барча қонуний асос ва шарт-шароитлар мавжуд бўлган ҳолатларда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 61¹-модда билан тўдирилган.

Бу моддага биноан бир неча жиноятлар яраштириш муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкинлиги кўрсатилган. Назарда тктилган моддалардаги жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига икрор бўлса ва етказилган зарарни бартароф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин⁶.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ЖКнинг 50-моддасига бир қатор ўзгартишлар киритилди. ЖК 50-моддасининг 5-қисмига асосан, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга:

а) эҳтиётизлик оқибатида унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасдан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинган ёхуд илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасдан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони маҳсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Авф этилиб, ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони маҳсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 61¹-модда ўзгартириш тўғрисидаги қонун. “Халк сўзи”, 2009 йил, 7 апрель.

ЖК 50-моддасининг 6-қисмига асосан, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

- а) ўта оғир жинояти учун ва ўта хавфли рецидивист деб топилганларга жазони қаттиқ тартибли колонияларда;
- б) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиёtsизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;
- в) бошқа жинояtlар учун жазони умумий тартибли колонияларда ўтash тайинланади.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар.

Жазони қўллашда уни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлари инобатга олинади.

Қўйидаги ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

9. айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;
10. етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этиш;
11. оғир шахсий, оиласиий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;
12. мажбуrlаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатдан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлиқ сабабли жиноят содир этиш;
13. жабрланувчининг зўрлиқ, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида жиноят содир этиш;
14. зарурий мудофаанинг, охирги заруриятнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик содир этиши;
15. вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;
16. ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;
17. жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиши.

Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар.

Жазони оғирлаштириш ҳолатларига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига биноан қўйидаги ҳолатлар киради:

- ҳомилидорлиги айборрга аён бўлган аёлга нисбатан;
- ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;
- хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- айборрга моддий томондан, хизмат жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;
- ўта шафқатсизлик билан;
- қўпчилик учун хавфли бўлган усулда;

- ёш бола ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;
- жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиққанлиги;
- умумий оғат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
- ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;
- бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гурӯҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;
- илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такороран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;
- мастилик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари; психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Назорат учун саволлар:

Жиноий жазодан озод этиш асосларини изоҳланг.

Жазодан қўзланган мақсадлар нималардан иборат?

Нима учун «қайта тарбиялаш» жазо мақсадларининг бири эмас?

Жазони қўллашда уни енгиллаштирувчи ҳолатларини қўрсатинг.

Жазони оғирлаштирувчи ҳолатларига нималар киради ?

Таянч иборалар:

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган заарни бартараф этса, жиноий жавобгарлиқдан озод қилиниши мумкин. Озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига хукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазони енгилроғи билан алмаштириши мумкин:

«Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 2002 йил 25 октябрда қарори қабул қилинди.

Жазони қўллашда уни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлари.

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан давлат номидан суд хукми билан қўлланиладиган жазо маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян хуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо давлатнинг мажбурлов чораси бўлиб, давлатнинг бошқа мажбурлов чораларидан фарқ қиласди.

7- Мавзу: Судланганлик.

Судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти .

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш.

Судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 77-моддасига биноан судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. “Судланган” сўзи фақат қонун асосида суд ҳукми билан жиноий жазога тортилган шахсларга нисбатан ишлатилади.

Жазо тайинланган айлов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади. Масалан, тергов иши бошланган бўлиши мумкин 20 август 2008 йил, суд ҳукми эълон қиласа кун 2009 йил 20 январ. Демак, суд судланган деб ҳукм чиқарса бу шахс терговга олинган кундан судланган ҳисобланади, суд бу шахсни судланмаган деб ҳисобласа 20 августдан бошлаб у ўзига етказилган моддий ва маънавий жазоларни қоплатиш тўғрисида шикоят ариза бериши мумкин.

Судланганлик жазо тайинланган айлов ҳукм қонуний кучга кирган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Судланганликнинг жиноий-ҳуқуқий аҳамиятига, масалан, суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши, шахснинг илгари қасдан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасдан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилганлиги мисол бўла олади.

Қонун судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 78-моддасига биноан шахснинг судланганлик ҳолати қўйидаги пайтларда тугалланади:

- а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан - синов муддати тугаган кундан бошлаб;
- б) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзида жазоларини ўтаб чиққач;
- в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;
- г) қамоқ жазоси ўталганидан кейин - икки йил ўтгач;
- д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - тўрт йил ўтгач;

е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - етти йил ўтгач;

ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - ўн йил ўтгач.

Агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, Жиноят кодекснинг 79-моддасига биноан, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиқсан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра суд юкорида кўрсатилган 78-моддада назарда тутилган муддатларнинг камидаги ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқсан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 13-моддаси иккинчи қисмидаги назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам судланганлик олиб ташланиши мумкин.

Судланганлик афв этиши ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 80-моддасига биноан судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади.

Агар шахс жарима, ахлоқ тузатиш ишлари (44, 46-моддалари асосида) ҳукм бўйича тайинланган жазони суд бошқа жазо билан алмаштирган бўлса, судланганлик муддати жазонинг амалда ўтаб бўлинган ёки ижро этилган қисмидан ҳисобланади.

Агар жазони ўтаб чиқсан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охирги содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлганидан ҳисобланади. (ЎзР 27.12.1996 й. 357-I-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

Жазонинг ахлоқан тузатиш таъсири судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва судланганликни олиб ташлаш муддатларида якуний жиҳатдан мустаҳкамланади. Судланганлик ҳолатини тугатиш ёки судланганликни олиб

ташлаш шартлари қонунда кўрсатилган муддат ичида янги жиноят содир этмаслик талабини қўяди ва судланганлик тамғасига эга шахсни тўғри ҳаёт кечиришга, жамоатчилик қоидаларини хурмат қилишга ундаиди. Судланганликнинг муддатидан аввал олиниши эса шахсни намунали хулқа эга бўлиш ва ўзининг ахлоқан тузалганлигини ўзгаларга исботлашга интилишини кучайтиради.

Жазонинг ахлоқан тузатиш таъсири судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва судланганликни олиб ташлаш муддатларида якуний жиҳатдан мустаҳкамланади. Судланганлик ҳолатини тугатиш ёки судланганликни олиб ташлаш шартлари қонунда кўрсатилган муддат ичида янги жиноят содир этмаслик талабини қўяди ва судланганлик тамғасига эга шахсни тўғри ҳаёт кечиришга, жамоатчилик қоидаларини хурмат қилишга ундаиди. Судланганликнинг муддатидан аввал олиниши эса шахсни намунали хулқа эга бўлиш ва ўзининг ахлоқан тузалганлигини ўзгаларга исботлашга интилишини кучайтиради.

Жазонинг ахлоқан тузатиш таъсири судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва судланганликни олиб ташлаш муддатларида якуний жиҳатдан мустаҳкамлайди. Судланганлик ҳолатини тугатиш ёки судланганликни олиб ташлаш шартлари қонунда кўрсатилган муддат ичида янги жиноят содир этмаслик талабини қўяди ва судланганлик тамғасига эга шахсни тўғри ҳаёт кечиришга, жамоатчилик қоидаларини хурмат қилишга ундаиди. Судланганликнинг муддатидан аввал олиниши эса шахсни намунали хулқа эга бўлиш ва ўзининг ахлоқан тузалганлигини ўзгаларга исботлашга интилишини кучайтиради.

Назорат учун саволлар:

Судланганлик ҳолатининг тугалланиш сабабларини кўрсатинг.

Судланганликнинг олиб ташланиш асослари нимада ифодаланади?

Судланганликнинг хуқуқий аҳамиятини изоҳланг.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблашнинг хуқуқий асосларини шархланг.

Таянч иборалар:

Жарима айбордан давлат даромадига қонунда белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

Агар **маҳкум жазо тариқасида** тайинланган жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

Шахсни муайян хуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айборнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир.

Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун хукм этилганлигидан келиб чиқадиган хуқуқий ҳолатдир.

“Судланган” сўзи фақат қонун асосида суд хукми билан жиноий жазога тортилган шахсларга нисбатан ишлатилади.

Шахснинг илгари қасдан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасдан янги жиноят содир этиши **рецидив жиноят** деб топилади.

Суднинг хукми билан шахс **ўта хавфли** рецидивист деб топилиши мумкин.

8- Мавзу: Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги хусусиятлари.

Режа:

Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги хусусиятлари.

Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш.

Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунларида вояга етмаганларга нисбатан фақат асосий жазо чоралари қўлланилади, қўшимча жазо уларга қўлланилмайди.

Вояга етмаганларнинг (18 ёшгача бўлганлар) жинояtlари учун қўйидаги асосий жазоларни қўллаш мумкин:

- 1.жарима;
- 2.ахлоқ тузатиш ишлари;
3. қамоқ;
- 4.озодликдан маҳрум қилиш.

Фақат ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганларгина иккитадан йигирма бараваригача бўлган энг оз иш ҳақи ҳажмида жарима солинади. Маҳкум олти ой ичида жарима тўлашдан бош тортган тақдирда суд жариманинг тўланмаган суммасини жарима учун бир ой ҳисобида ахлоқ тузатиш ишлари кўринишидаги жазо билан алмаштиради, бунда жарима суммаси иш ҳақининг икки баравари миқдорига тўғри келади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўн олти ёшга тўлган, меҳнатга қобилиятли, вояга етмаганларгагина иш жойи бўйича, агар айбдор ишламаётган ва ўқимаётган бўлса-бошқа жойларда, у яшаб турган туманда, бир ойдан бир йилгача бўлган муддатга қўлланилади. Вояга етмаган шахс ахлоқ тузатиш ишларида тайинланган жазо муддатининг ўндан биридан кўп вақт бош тортса, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини қамоққа олиш кўринишидаги жазо ахлоқ тузатиш ишларининг уч куни учун бир кун қамоққа олиш ҳисобида, лекин уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга алмаштиради.

Вояга етмаганларга қамоқ жазоси бир ойдан уч ойгача муддатга белгиланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси вояга етмаганлар учун олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади. Бу жазони қўллашда вояга етмаганларнинг жинояти сабаблари, жиноятнинг оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлари, ёши ва бошқа хусусиятлари инобатга олинади. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш фақат вояга етмаганлар иши бўйича

комиссия хужжатлари билан танишиб чиққандан кейин юз беради. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун вояга етмаган 18 ёшга тўлмаганлиги, жиноятни биринчи маротаба содир этиши, жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаганлиги эътиборга олинади.

Ҳар бир вояга етмаганнинг жиноятини суд пухта ўрганиб чиқиб, сабабини, узр сўрашини, шахснинг психологик жиҳатини, ёшини, тарбия олган мухитини эътиборга олган ҳолда, балки, унга жиноий жазо қўлланмасдан, мажбурлов чораларини қўллаши мумкин. Суд вояга етмаганга унинг қилмишини қоралаб, такрорланмаслигини уқтириб, нима сабабдан жиноий жазо эмас, мажбурлов чоралар қўлланганини айтиб ўтиши зарур.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган вояга етмаган шахс суд томонидан жавобгарликдан озод қилиниши ва материаллари вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун берилиши мумкин.

Уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш кўринишдаги жазо назарда тутилган унчалик оғир бўлмаган жиноят ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиши ҳамда мажбурий чоралар қўллаши мумкин. Балоғатга етмаган шахс ёш ривожида анча орқада қолганлиги ва шу туфайли ўз хатти-харакати аҳамиятини тўлиқ англамаслиги аниқланса, суд томонидан жазонинг мажбурий чоралар билан алмаштирилишига йўл қўйилади.

Куйидагилар вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурий чоралардир:

3. кўпчилик олдида ёки суд тайинлаган бошқа шаклда жабрланувчи кечирим сўраш мажбуриятини юклаш:

4. ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганга етказилган зарарни, агар зарар ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса, ўз маблағлари ёки меҳнати билан қоплаш ёки бартараф этиш мажбуриятини юклаш (бошқа ҳолларда зарар фуқаролик суд юритиш тартибида қопланади);

5. вояга етмаганларни шахсий ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси - ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланади мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72 – моддасига биноан, вояга етмаган шахсга нисбатан суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражаси, айборнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, айбор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишига кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиши жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар ҳулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради.

Ҳукм қилинган шахснинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек, олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан янги ҳукм бўйича тайинлаган жазо муддатига илгари ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ХУ1 боби вояга етмаганларни жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асосларини ўз ичига олган. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айборнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хуносага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

Уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

Вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равища англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан қуидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:

а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриягини юклаш;

б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриягини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган энг кам ойлик иш хақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади.

Бошқа холларда етказилган зарар фуқаровий хуқуқий тартибда ундирилади;

в) вояга етмаганни маҳсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Вояга етмаган шахсларни маҳсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган меҳнат ва ўқишига ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасдан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасдан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишига ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади.

Жазодан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш қўлланилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан янги ҳукм бўйича тайинлаган жазо муддатига илгари ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман кўшади.

Ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнат ёки ўқишига ҳалол муносабатда бўлиб келаётган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш мумкин. Бундай холатлар:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасдан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасдан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишига ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш иши билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш иши шу турдаги жазо учун белгиланган муддатлар доирасида тайинланади ва бу муддат озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисмидан ошмаслиги керак.

Жазонинг енгилроғи билан алмаштирилган шахсларга нисбатан енгилроқ жазонинг тегишли қисми ўтаб бўлинганидан кейин қонунда назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, жазодан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Жазонинг енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан муддатига илгари ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман кўшади.

Назорат учун саволлар:

Жиноят қонунчилигига неча ёшгача бўлганлар вояга етмаганлар деб танилади?

Вояга етмаганлар жиноятлар учун қандай асосий жазоларни қўллаш мумкин?

Ахлоқ тузатиш ишлари вояга етмаганлар учун қанча муддатга қўлланилади?

Вояга етмаганларга қамоқ жазоси қанча муддатга белгиланади?

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси вояга етмаганларга нисбатан қанча муддатга тайинланади?

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурий чораларни кўрсатинг.

Шартли ҳукм вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишми?

Вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чоралари қўлланиладими?

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаб, жавобгарликдан озод қилиш асосларини кўрсатинг.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

Вояга етмаганларга жиноятчилигининг олдини олишда оила, таълим ходимлари ва маҳалланинг ўрнини кўрсатинг.

Боланинг жиноят йулига кириб кетишига ким айбдор?

Таянч иборалар:

Вояга етмаганлар 18 ёшгача бўлганлар.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўн олти ёшга тўлган, меҳнатга қобилиятли, вояга етмаганларгагина иш жойи бўйича, агар айбдор ишламаётган ва ўқимаётган бўлса-бошқа жойларда, у яшаб турган туманда, бир ойдан бир йилгача бўлган муддатга қўлланилади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси вояга етмаганлар учун олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади.

Мажбурлов чоралар; шартли ҳукм; синов муддати; ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят; ахлоқ тузатиш ишлари.

9-Мавзу. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари.

Режа:

1. Тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари қўллашнинг умумий асослари;
2. Тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини тайинлаш.

Тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари қўллашнинг умумий асослари.

Тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Суд жазолаш билан бир қаторда алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлиқсан шахсларга нисбатан - даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароит яратиш учун тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганилиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этган шахсга нисбатан, агар у руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавфли деб топилса, суд тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.

Тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларига қуйидагилар киради:

- а) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш;
- б) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;
- в) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш маҳсус бўлимида мажбурий даволаниш;
- г) кузатув қучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш.

Мажбурий амбулатория кузатуви ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш руҳий касаллиги зўрайиб кетаётганлигини кўрсатувчи аломатлар бўлмаган, шунингдек руҳий ҳолати вақтинча бузилган руҳий касалларга нисбатан, бундай касалликнинг қайтарилмаслиги ва янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилмаслиги учун тайинланиши мумкин.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш ижтимоий хавфлилиги руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган, умумий асосларда даволаш талаб этиладиган руҳий касалларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфлилиги кўпроқ саломатликни тикловчи чораларни кўришни талаб қиласидиган, уларни эса ихтиёрий тартибда ўтказиш мумкин бўлмаган руҳий касалларга нисбатан умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш маҳсус бўлимида мажбурий даволаш тайинланиши мумкин.

Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимда мажбурий даволаш ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқига қўра умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонаси шароитида даволанишининг имкони бўлмаган руҳий касалларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимда руҳий касаллар батамом ажратилган ҳолда сақланади ва қўриқланади.

Тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартериш ва бекор қилиш масаласини руҳий касалликлар шифокорлари комиссиясининг хulosасига асосланган ҳолда суд ҳал қиласди.

Агар руҳий касалга нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурий даволаш чоралари қўллаш зарурати бўлмаса, шунингдек, бу чоралар бекор қилинган бўлса, суд уни умумий асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасаларига юбориш масаласини ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкин.

Алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка йўлиқкан шахслар томонидан жиноят содир этилгани тақдирда, агар тиббий хulosаса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга тиббий йўсингдаги чораларни ҳам тайинлаши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога хукм қилинган бўлса, тиббий муассасаларда мажбурий даволаниши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ жазосига хукм қилинган бўлса, уларни даволаш жазони ўтаётган жойда амалга оширилади, жазони ўтаб бўлганидан кейин агарда даволашни давом эттиришга зарурат бўлса, умумий асосда тиббий муассасаларда даволанади.

Суд-тиббиёт экспертизаси томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг ёшини аниқлашда кўрсатилган йилнинг охирги куни, айборнинг туғилган куни деб ҳисоблаш керак. Агар шахсни минимал ва максимал ёши йилларда кўрсатилса, экспертиза томонидан тахмин қилинаётган ўша шахснинг минимал йилдаги ёшидан келиб чиқиш лозимdir.

16 ёшга тўлган шахс муайян ҳолатларда 13-14 ёшларда ҳам жиноят субъекти бўлиб, ўзининг ижтимоий-хавфли ҳаракатлари учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин. Бироқ бу ҳол жиноят қонуни бундай шахсларни тўлиқ равишда ижтимоий етук ҳисоблаб, уларни юридик мақомдан маҳрум қиласди, деган фикрни англатмайди. Фуқаролик Кодексининг 22-моддаси мазмунига биноан, шахс 18 ёшга тўлгунига қадар вояга етмаган ҳисобланади. Бу ҳолат амалдаги жиноят қонунчилигига инобатга олинган, шунинг учун Кодексда вояга етмаганлар жавобгарлиги хусусиятларини белгиловчи маҳсус бўлим мавжуддир. Қонунда жазоларнинг турлари, уларни қўллаш, ўташ шартлари ва тартиби, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш муаммоларини тартибга солувчи маҳсус нормаларнинг мавжудлиги, жиноят

қонуни катталар ва вояга етмаганларга дифференциаллашган жавобгарликни белгилаганидан ва бунда жиноят қонунчилигини принципларини амалга оширишдан далолат беради.

Тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини тайинлаш.

Жиноят қонунида факат ақли расо шахслар жавобгарликка тортилишлари ва содир этган ижтимоий хавфли қилмишлари учун судланишлари мумкин. Демак, ақли расолик, шахсни белгиланган ёшга етиши билан биргаликда, жиноий жавобгарлик вужудга келишининг зарурий шарти ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 18-моддаси 1-қисмига мувофиқ, жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини анлаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади. Бундан келиб чиқсан ҳолда, «акли расолик» тушунчасининг юридик мезони икки турдаги белгилар билан тавсифланади: ақлий (интеллектуал) ва иродавий. Ақли расоликнинг ақлий (интеллектуал) белгиси шахснинг ижтимоий хавфли қилмишидаги хусусиятини англаб етиш қобилиятидан иборат. Иродавий белги шахснинг ўз хулқ-атворини бошқариш лаёқатини акс эттиради.

Шу билан бирга, содир этилган қилмишнинг моҳиятини тушуниш қобилияти ҳамда ушбу жараённи бошқара олиши унинг психофизиологик ривожланиш даражасига боғлиқ. Инсоннинг психофизиологик ривожланиш даражаси деганда жиноят содир этаётган пайтда субъектнинг руҳий ҳолати тушунилади, яъни маълум руҳий касалликларнинг ҳамда ақли заифлик ҳолати йўқлиги, руҳияти билан боғлиқ барча ҳис-туйғулар уйғунлиги, шахснинг ижтимоий нуқтаи назардан ҳаётга маълум даражада мослашганлиги, (маълумоти, ҳаётий ёки касбий тажрибаси, атрофдагилар билан муомаласи ва ҳ.к.). Шундай экан, ақли расоликни аниқлашда нафакат юқоридаги мезонларни, балки тиббий мезонни ҳам аниқлаш зарур. Ваҳоланки, шахснинг психофизиологик ривожланиш даражаси, айнан тиббий мезон ёрдамида аниқланади. Шундай қилиб, юқоридаги икки мезон мавжуд бўлганда гина субъектнинг ақли расолиги тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Жиноят ҳуқуқи одамнинг ақли расолик презумпциясидан келиб чиқади. Бу шуни билдирадики, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс, қоидага кўра, ақли расо шахс бўлади. Барча ҳолатларда жиноят субъектининг ақли расолик белгисини текшириш талаб қилинмайди. Бундай текширув фактат, содир этилган жиноятнинг хусусияти, қилмишни содир этишдан олдин ва кейинги хулқ-атворга асосан, уни содир этган шахснинг руҳий соғлиғи тўғрисида шубҳа туғилганда гина амалга оширилади. Бундай ҳолатларда ақли расолик руҳшунос шифокорларга юклатилган суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш орқали амалга оширилади.

Ақли норасолик деганда шахснинг руҳий ҳолатига кўра, содир этаётган жиноятнинг моҳиятини англамаслиги ва уни бошқара олмаслигидир. Жиноят кодексининг 18-моддаси 2-қисмидаги ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш

вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги; руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги; ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди. Шундай қилиб, ақли норасолик ҳолати жиноий жавобгарликни истисно қиласи. Шахснинг ақли норасолиги тиббий ва юридик мезонлар бирлиги ва мажмуи билан аниқланади.

Одамнинг ақли норасолигини билиш, ақли норасоликнинг тиббий мезонини аниқлашдан бошланади. Унда биринчидан, сурункали руҳий касаллик; иккинчидан, руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилганлиги; учинчидан, ақли заифлик; тўртинчидан, бошқа тарздаги руҳий касалликлар (ЖК 18-м. 2-к.).

Сурункали руҳий касалликларга узоқ муддатга чўзиладиган, хуружли ва ривожланадиган, тузалмайдиган ёки қийин даволанадиган касалликлар: шизофрения, эпилепсия (тутқанок); хуружли шол касали, миянинг органик шикастланиши ва бошқалар киради.

Юқорида кўрсатилганидек, ақли норасо деб топилган ёки ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар ва уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин (ЖК 91-95-м.).

Амалиётда жиноятларнинг кўпи мастилик ҳолатида содир этилади. Бундай ҳолатда жиноят содир этган шахслар ўзларининг ҳаракатларини оқлаш учун мастилик ҳолатида жиноят содир этганини енгиллаштирувчи деб тушуниб, мен ҳеч нарсани билмадим, жиноят қилган вақтда маст эдим, деб қилмишини оқламоқчи бўлади. Жиноят кодексининг 56-моддаси 1-қисми «о» бандига асосан мазкур ҳолат, мастиликнинг табиий натижаси бўлиб, одамнинг онги-иродавий фаолиятининг торайиши, яъни ақли расолигининг чекланишига қарамай, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, Жиноят кодексининг 19-моддасига асосан, шахс мастиликнинг ўта юқори даражасида жиноят содир этса ҳам, жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди. Жиноят қонунчилигидаги бу қарорнинг мавжудлиги икки асосий ҳолат билан аниқланади: 1) шахс ижтимоий зарарли оқибатларнинг келиб чиқишини англаб, ўз хоҳиши билан ўзини мастилик ҳолатига келтиради; 2) жамият жиноятнинг мазкур вазияти ва ҳаракатининг олдини олиш мақсадида, мастилик ҳолатида ақли расоликнинг чекланиш фактини мажбуран инкор этиш керак.

Оддий физиологик мастилик ҳолатини, алкоголни мунтазам равишда истеъмол қилиш натижасида (оқ восвос, пераноидал алкоголизм ва б.) келиб чиқадиган бошқа касалликлар ёки ҳолдан тойиш кўринишидаги патологик мастилик мақомидаги руҳий ҳолатнинг ёмонлашуви ҳамда руҳий касалликлардан фарқлаш лозим. Мазкур касалланишлар мавжудлиги юридик мезонларга сабаб бўлади ва шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлади.

Алкогол ёки гиёхванд томонидан жиноят содир этилган ҳолларда суд бундай шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин (ЖК 96-м.).

Жиноят ҳуқуқида жиноятнинг маҳсус субъекти деб, умумий белгилар (жиноий жавобгарлик ёшига етганлик, жисмоний шахс, ақли расолик) билан бирга, аниқ турдаги жиноятнинг таркибини ташкил қилиш учун зарур бўлган кўшимча белгилар билан тавсифланган шахсга айтилади.

Жиноят субъектининг умумий белгилари Жиноят кодексининг Маҳсус қисмидағи нормаларнинг диспозицияларида эслатиб ўтилмайди, чунки улар ҳеч қандай чеклашларсиз барча жиноят таркибларига мансубдир. Маҳсус субъектнинг кўшимча белгилари шу жиноят учун жавобгарликни белгиловчи норманинг диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилади ёки шарҳлаш йўли билан аниқланади.

Жиноят қонунида маҳсус субъектнинг белгиларини таърифлашда бир неча усуулар ишлатилади: 1) турдош маҳсус субъектларнинг кўшимча белгиларини тўғридан-тўғри қонуннинг мустақил бўлимида санаб ўтиш (масалан, Жиноят кодексининг Маҳсус қисми саккизинчи бўлимида мансабдор шахс, ҳокимият вакили, масъул мансабдор шахс, хўжалик юритувчи субъект ва бошқаларнинг тушунчалари кўрсатилган); 2) турдош маҳсус субъектлар гуруҳидан истисно бўлган ва Жиноят кодексининг Маҳсус қисм моддасининг диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилган маҳсус субъект (маҳсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш - ЖК 194-м.); 3) норманинг диспозициясида маҳсус субъект белгиларини тўғридан-тўғри санаб ўтиш (суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан айбизлиги аён бўлган шахсни жавобгарликка тортиш - ЖК 230-м.); 4) норманинг диспозициясида маҳсус субъектни таснифлашда керак бўлмаган белгилар кўрсатилиши (mansabдор бўлмаган шахс томонидан муайян иш ёки хизмат эвазига фуқаролардан товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш - Жиноят кодексининг 214-м.).

Амалдаги жиноят қонунчилигининг учдан бир қисм нормалари маҳсус субъектли жиноятларни ташкил қиласди. Маҳсус субъектли жиноят таркиблари сонининг кўплиги уларни таснифлаш заруратини келтириб чиқаради.

Амалдаги жиноят қонунчилигига мавжуд маҳсус субъект белгиларини уч гурухга бўлиш мумкин: 1) субъектнинг ҳуқуқий ҳолати ва маҳсус вазифасини; 2) субъектнинг жисмоний хусусиятлари; 3) субъект билан жабрланувчи ўртасидаги муносабатни тавсифловчи белгилар.

Кўрсатилганлардан энг кўпи биринчи гурух ҳисобланади. Бу ерга қўйидаги кичик гурухларнинг белгилари киради: шахснинг фуқаровий статуси (ЎзР фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс - ЖК 157, 160, 224-м.); шахснинг мансабдорлик ҳолати (мансабдор шахс, масъул мансабдор шахс, хўжалик юритувчи субъект - ЖК 175, 180, 181, 193-195, 205-210, 230-232, 234, 235-м.); ҳарбий хизматга муносабати (хизматга чақирилган шахс, ҳарбий хизматчи, ҳарбий хизматга мажбур - ЖК 225, 279-302-м.); касб, фаолият тури, бажараётган ишнинг хусусияти - (шифокор, хизматчи ёки савдо ёки хизмат кўрсатиш ишчиси, транспорт воситасини бошқараётган шахс ва бошқалар (ЖК

116, 117, 162, 163, 172, 186, 188, 189, 213, 214, 260, 261, 262, 266, 268-м.); жиноят процесси иштирокчилари (гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, таржимон - ЖК 238, 240-м.); шахснинг алоҳида жиноий-хуқуқий статуси (оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун судланганлиги; шахс илгари жиноят содир этганлиги, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист - ЖК 220, 221, 222, 104-м. 3-қ «б» б., 105-м. 2-қ. «к» б., 164-м. 3-қ «а» б. ва б.).

Иккинчи гуруҳни шахснинг қуидаги табиий-демографик белгилари ташкил қиласи: жинси (ЖК 120, 126-м.); ёши (вояга етган шахс, 21 ёшга тўлган шахс - ЖК 127, 130-м.). Бунга соғлиқ даражасини ҳам киритиш керак (таносил ёки ОИТС касаллиги билан касалланган шахс - ЖК 113-м.).

Учинчи гуруҳга субъект билан жабрланувчининг қариндошлиқ муносабатларини тавсифловчи белгилар киради (ота-она, фарзандлар - Жиноят кодекси 122, 123-м.) ҳамда хизмат ёки моддий муносабатлар (хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айборга қарам бўлган шахслар - Жиноят кодексининг 121-м.).

Ўзининг мазмунига кўра, маҳсус субъект белгилари жуда кўп. Масалан, Жиноят кодексининг 180-моддасида кўрсатилган «сохта банкротлик» жиноятининг субъекти қарздор ташкилотнинг раҳбари ёки мулқдори ёхуд хусусий тадбиркор бўлиши мумкин. Агар бу ҳаракатларни ташкилотнинг бошқа хизматчиси содир этса, мазкур жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Бошқа ҳолларда қўшимча белгилар оғирлаштирувчи ҳолатлардаги жиноят таркибини ташкил қилувчи квалификацион белги сифатида келиши мумкин. Агар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар ўта хавфли рецидивист ёки оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахслар томонидан содир этилса, қилмиш Жиноят кодексининг 220-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади.

Назорат учун саволлар:

1. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг ақли расолик мезонларини кўрсатинг.
2. Нима учун ақли норасо шахс содир этган ижтимоий хавфли қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилмайди?
3. Тиббий йўсингани мажбурлов чоралари қўллашнинг умумий асосларини кўрсатинг.
4. Тиббий йўсингани мажбурлов чораларининг турларини аниқланг.
5. Тиббий йўсингани мажбурлов чораларини тайинлаш қандай амалга оширилади?
6. Тиббий йўсингани мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш
7. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиқкан шахсларга нисбатан тиббий йўсинганда қандай чоралар қўллаш мумкин?
8. Ақли норасоликнинг тиббий мезонларини аниқланг.
9. Ақли норасоликнинг юридик мезонларини аниқланг.

Таянч иборалар:

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс, қоидага кўра, ақли расо шахс бўлади.

10-Мавзу: Либераллаштиришнинг хуқуқий тизими.

Режа:

Либераллаштириш тушунчаси.

Ярушув институтининг вужудга келиши.

Либераллаштириш тушунчаси.

Мамлакатимизда жиноят, жиноят-процессуал ҳамда маъмурий хуқуқбузарликка оид қонунларнинг босқичма-босқич либераллаштирилиб борилиши фуқароларни хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд ҳокимияти имкониятларини янада кенгайтириб уларнинг самарадорлигини оширди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг олтинчи сессиясида жиноий жазо сиёсати либераллаштириш томон ўзгартирилди. Унинг илк қадамлари мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг «Адолат - қонун устуворлигига» номли нутқида ўз аксини топган. Шу муносабат билан жиноий жазоларни қўллаш мезонлари ҳам ўзгарди ва бу ўзгаришлар «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда акс эттирилди. Жиноий жазоларни тайинлаш масалаларига ҳам табақалашган муносабат юзага келтирилди.

Эндиликда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинлананаётган жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга жазони манзил-колонияларда ўташ тайинланади.

Жиноят кодекси ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни тартибга солувчи 661-модда билан тўлдирилди. Унга асосан, биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган заарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин (ушбу нормада уни қўллаш мумкин

бўлган жиноятларнинг моддалари бўйича рўйхати берилган). Демак, 1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилиши; 2) ўз айбига иқрор бўлиш; 3) жабрланувчи билан ярашиш ва унинг айбланувчининг жиноий жавобгарликдан озод қилинишига розилиги; 4) етказилган заарнинг бартараф этилганлиги жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартлари сифатида тан олинади.

Ушбу нормани тадбиқ этиш учун ЖПКда маҳсус жиноий-процессуал тартиб белгиланган ва «Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш» деб номланган боб (62-боб) билан тўлдирилган.

ЖК 85-моддасининг 4-қисмига вояга етмай туриб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо тайинланмаслиги ҳақидаги қўшимчанинг киритилиши, ўсиб келаётган ёш авлод ҳақидаги ғамхўрлик рухини ўзида мужассамлаштиради. Ушбу ижобий ҳолат вояга етмаган ҳукуқбузарларнинг ўз оиласлари бағрида ахлоқан тезроқ тузалиши учун имконият яратади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш учун жазонинг мажбурий равища ўталиши лозим бўлган муддатлари ҳам анча камайтирилган. Маҳкум жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилиниши мумкин.

Хозирги кунда амалдаги қонунга ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларига маҳкум қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш мумкин бўлган ҳукуқ нормаси киритилган.

Ушбу норма:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади.

Озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазони енгилроғи билан алмаштириши мумкин:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун

суд тайинлаган жазо муддатининг камидаги ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга етмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ёки ахлоқ тузатиш ишларига маҳкум этилган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинлаган жазо муддатининг камидаги бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камидаги тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камидаги учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкин.

Мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазо чорасининг самарасизлиги ва маҳкумнинг оиласи, яқинлари ва қариндошларининг ҳуқуқларини чеклаганлиги учун жазо тизимидан чиқариб ташланди. Лекин жарима жазосининг миқдорлари кўпайтирилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараварида олти юз бараварига қадар белгиланди.

ЖК Махсус қисмининг озодликдан маҳкум этишни назарда тутувчи бир неча моддаларининг (104, 117, 139, 141 ва бошқ.) санкциялари камайтирилди.

Мамлакатимиз мустақил ривожланиш даврида ижтимоий муносабатларнинг етуклиги, демократик ҳуқуқий давлат асосларининг шаклланиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг яхшиланиши, жиноий жазоларни либераллаштириш имкониятини юзага келтириди.

Суд амалиётти ва статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида кейинги йилларда муттасил равишда ошиб борган судланганлик динамикасининг 15 фоизга пасайишига эришилди. Шунингдек, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазонинг репрессив тури 15 фоизга камайиб 37 фоизни ташкил этмоқда.

Ярашув институтининг вужудга келиши.

Халқимиз минталитетига мос бўлган ярашув институтининг қонунчиликка киритилиши нафақат ҳуқуқшунослар, балки жамоатчилигимиз томонидан ҳам манунийт билан қабул қилинди. Мазкур институт, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан судланган деган «тамға» ни қўллаш доирасини жиддий равишда қисқартириш имконини беради. Қонун қабул қилинган бир йилнинг ичida ушбу норма 7200 дан ортиқ ёки умумий судланганларга нисбатан 13 фоиз шахсларга тадбиқ этилди.

Жиноий жазоларнинг эркинлаштирилиши муносабати билан вояга етмаганлар, хотин-қизлар, кекса ёшдагиларга нисбатан инсонпарварлик тамойилларини қўллашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мажбурий

бўлган нормаларнинг киритилиши жазодан кўзланган мақсад тўғрисидаги дунёқарашни ўзгартира бошлади.

Илгари жиноят деб эътироф этилган кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг Жиноят кодексидан чиқарилиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар қаторига киритилиши ва бозор муносабатларининг тобора кенгайиши замирида янги турдаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиши, судларда кўрилаётган ҳуқуқбузарликлар сонининг ҳам бир мунча кўпайишига олиб келди. Масалан, 1995 йил судларда 131.503 шахсга нисбатан 126.519 та маъмурий иш қўрилган бўлса, 2001 йилда 214.094 шахсга нисбатан 195.468 та ишлар қўрилган бўлиб 36 фоизга кўпайган.

«Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрда қарори қабул қилинди. Қарорда:

3. судларга тушинтирилсинки, ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айборлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади.

4. судлар шуни назарда тутишлари керакки, ярашув тўғрисидаги аризанинг шакли, мазмuni ва уни тақдим этиш тартибиغا нисбатан қонунда муайян талаблар қўйилган. Ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарап бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг заардан воз кечганлиги) ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимоси кўрсатилган бўлиши лозим. Ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини қўзгатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эгадир. Жабрланувчи билан айни бир вақтнинг ўзида ишда фуқаровий даъвогар ҳам қатнашган ҳолларда ярашув тўғрисида иш юритишини бошлаш учун ҳам жабрланувчи, ҳам фуқаровий даъвогар томонидан тегишли ариза берилган бўлиши шарт. Иш бўйича бир гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бир неча жабрланувчи бўлган ҳоллар учун ҳам қонунда айнан шундай талаблар белгиланган. Жабрланувчиларнинг ҳатто бирортасидан тегишли ариза бўлмаган ҳолларда ҳам ярашув тўғрисида иш юритиш умумий асосларда олиб борилади, деб кўрсатилган.

Жавобгарликдан озод қилиш қуйидаги асосларда:

3. жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан;

4. қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан;

5. айбор ўз қилмишига чин қалдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан;

6. касаллиги туфайли;

7. амнистия акти асосида амалга оширилганда.

Жазонинг асосий мақсади, шахсни ахлоқан тузатиш, уни қайта сафга киритишдан иборат. Жазо таъсири судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва

судланганликни олиб ташлаш муддатларида якуний жиҳатдан мустаҳкамланади. Судланганлик ҳолатини тугатиш ёки судланганликни олиб ташлаш шартлари қонунда кўрсатилган муддат ичида янги жиноят содир этмаслик талабини қўяди ва судланганлик тамғасига эга шахсни тўғри ҳаёт кечиришга, жамоатчилик қоидаларини хурмат қилишга ундиши. Судланганликнинг муддатидан аввал олиниши эса шахсни намунали хулқа эга бўлиш ва ўзининг ахлоқан тузалганлигини ўзгаларга исботлашга интилишини кучайтиради. Албатта шахснинг қайта жиноят содир этмаслиги учун унинг атрофдаги яқинлари ёрдам бериши, жамият эса унга судланганлигини эслатмасликка ҳаракат қилиши лозим.

Текшириш саволлари:

Либераллаштириш тушунчасини изоҳланг.

Ярашув институти вужудга келишининг хуқукий асосларини кўрсатинг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг либераллаштириш тўғрисидаги фикрларини айтиб беринг.

Таянч иборалар:

Либераллаштириш; ярашув институтини; ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят; оғир жиноят; ўта оғир жиноят; озодликдан маҳрум этилган; жиноий жазоларнинг эркинлаштирилиши.

11-Мавзу: Махсус қисм.

Режа:

1. Жиноят хуқуқининг маҳсус қисми тушунчаси, мақсад ва вазифаси;
2. **Ҳаётга қарши жиноятларнинг умумий тавсифи;**
3. **Соғлиққа қарши жиноятлар;**
4. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар.

Жиноят хуқуқининг маҳсус қисми тушунчаси, мақсад ва вазифаси.

Юқорида биз Жиноят хуқуқи фанининг Умумий қисмининг ўзига хос хусусиятлари; жиноят ва жиноий жавобгарлик асослари; жиноятчилик тушунчаси. жиноятчилик сабаби ва жиноятчиликнинг олдини олиш тизими; қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатлар; жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги; жиноятда иштирокчилик; жазо ва уни тайинлаш; жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари; жиноий жавобгарликдан озод қилиш; вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари; вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими; вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари; вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш; вояга етмаганларга нисбатан мажбуров чораларини қўллаб, жавобгарликдан озод қилиш тушунчаларини кўриб чиқдик.

Жиноят хуқуқи фанининг маҳсус қисмida эса, аниқ жиноятлар, улар учун қўлланиладиган жазо турлари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг маҳсус қисми 7 бўлим, 24 боб, 205- моддадан иборат. Шахсга қарши жиноятлар ўз ичига етти бобни, 53 та моддани ўз ичига олади (ЖКнинг 97-149 моддалари).

Маҳсус қисмининг биринчи бўлимида шахсга қарши жиноятлар турига:

3. ҳаётга қарши жиноятлар;
4. соғликқа қарши жиноятлар;
5. ҳаёт ёки соғлик учун хавфли жиноятлар;
6. жинсий эркинликка қарши жиноятлар;
7. оиласга, ёшларга ва аҳлоққа қарши жиноятлар;
8. шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар;
9. фуқароларнинг қонституциявий хуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар киради.

Иккинчи бўлим тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар деб аталади.

Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар икки боб, 14та моддани ўз ичига олади. Улар қаторига:

12. тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар;
13. Ўзбекистон Республикаси қарши жиноятлар киради.

ЖКнинг маҳсус қисмининг учинчи бўлими иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни кўрсатади. Улар қаторига:

14. ўзгалар мулкини талон-торож қилиш;
15. ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар;
16. иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар;
17. хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар киради.

Тўртинчи бўлим экология соҳасидаги жиноятлардир. Бу турдаги жиноятларга атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар билан боғликлари киради. ЖКнинг 193-моддасидан 204 – моддаларигача бўлган моддалар улар қаторига киради. Бу жиноятлар, экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш, атроф-табиий муҳитни ифлослантириш; ветеринария ёки зоотехник қоидаларини бузиш кабилардир.

ЖКнинг бешинчи бўлими “Ҳокимият бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибиға қарши жиноятлар” деб аталади. Бу бўлим ўз ичига икки боб, 42 моддани олади.

Одил судловга қарши жиноятлар туркумига: айбизз кишини жавобгарликка тортиш; адолатсиз хукм хал қилувчи қарори, ажрим ёки қарор чиқариш; суд қарорларини бажармаслик; кўрсатма беришга мажбур қилиш; ёлғон гувоҳлик бериш каби жиноятлар киради.

Бошқарув тартибиға қарши жиноятлар турларига: мансабга совуққонлик билан қарашиб; ҳокимият ҳаракатсизлиги; мансаб сохтакорлиги; пора олиш; пора бериш ва бошқалар киради.

Олтинчи бўлим жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибиға қарши жиноятларни ўз ичига олган.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятларга Ўзбекистон Республикаси ЖКсининг ХУП-ХХ боблари, 242-278 моддалари ажратилган. Бу бобларда: жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар; транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар; гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муомала қилишдан иборат жиноятлар ва бошқалар киради. Жами бу турдаги жиноятлар ЖКнинг 37та моддасида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1999 йил 19 августда «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалари тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Бу қонуннинг асосий мақсади гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда уларнинг қонунга хилоф равища муомалада бўлишига монелик қилиш, фуқаролар соғлигини сақлаш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Улар:

жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар;

транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар;

гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муомала қилишдан иборат жиноятлар;

жамоат тартибига қарши жиноятлардир.

ЖКнинг охирги еттинчи бўлими “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар”га қаратилиб, 4 боб, 24 моддадан иборат.

Бу жиноятларга: бўйсуниш ва ҳарбий шаънига риоя этиш тартибига қарши жиноятлар; ҳарбий мансабдорлик жиноятлари киради. ЖКнинг 279-моддасидан 302-моддалари бу жиноятларга ажратилган.

Улар турига:

бўйсуниш ва ҳарбий шаънига риоя этиш тартибига қарши жиноятлар;

ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар;

ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар;

ҳарбий мансабдорлик жиноятлари киради.

Ҳар бир жиноятларнинг мустақил гурухлари, уларга қўлланиладиган жазолар ЖКда ажратилиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмida кўрсатилган жиноятлар учун жазо чоралари ҳам берилган. Жазо чоралари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Жаҳон мамлакатларида ўзгаришларнинг айримлари бизнинг давлатимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Масалан, судхукуқ соҳасидаги ислоҳатларнинг янги босқичининг асосий вазифалари мамлакатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида сўзлаган "Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" номли маъruzасида белгилаб берилди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатининг мантиқий давоми сифатида 2005 йил 1 августда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Маълумки дунёда ўлим жазосидан воз кечётган давлатлар сафининг ортиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, 1990 йилдан ҳозирга қадар 45 дан ортиқ давлатда ўлим жазоси бекор қилиниб, бундай давлатлар сони 80 тадан ошди.

Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 11 июль куни қабул қилинган Конунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган жазо тизимидан ўлим жазоси чиқарилиб, янги жазо тури сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш тушунчаси берилди⁷.

Қонун умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари фақатгина жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. 2008 йил январдан бошлаб эса бу жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланилмайди.

Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида И.А.Каримов "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилган эди. Қонуннинг мақсади жиноят содир этишда гумон қилинувчи ёки айбланувчиларга нисбатан судгача бўлган тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни таъминлашдан иборат бўлиб, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 10, 37-моддаларига ҳамда Жиноят - процессуал кодексининг 20 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Фуқаролар қонунчилигимиздаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чукурроқ англаши учун ЖПКнинг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мамлакатимизда кечётган суд-хуқуқ ислоҳотларини изчил кузатиб И. Каримовнинг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони асосида Жиноят-процессуал кодекси, прокуратура ва судлар тўғрисидаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишида бир қатор хориж давлатларининг тажрибалари ўрганилди, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимлари ва кенг жамоатчилик фикри инобатга олинди.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши негизида бу турдаги эҳтиёт чорасини танлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, қонун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлаш кўзда тутилган.

⁷ Рашидjon ҚODИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, 1-даражали адлия маслаҳатчиси.
№ 34, 29.12.2007

Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини фақат айбланувчи ёки гумонланувчига тергов ва суддан яширинишига шароит яратиб берувчи жиддий асослар мавжуд бўлган бешта ҳолатда қўлланиши аниқ белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ишни судга қадар юритиш жараёнида қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин қамоқда сақлаш учун асослар бўлмаса, прокурор томонидан, шунингдек, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чораси тўғрисида қарор чиқарган судни хабардор қилган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. 2007 йил 14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги ҳамда "Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳукуқининг судларга ўтказилиши билан боғлиқ қонунлар 2008 йилнинг 1 январидан кучга киритилди.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида айбланувчининг ҳимоя ҳукуки билан таъминланиши ва малакали юридик ёрдам олиш ҳукуқининг кафолатланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида белгиланган. 2009 йилдан бошлаб, адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш дастлабки терговдан бошлаб амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 июн 1997 йилдаги "Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаражатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида"ги 297-сонли Қарори ҳамда ушбу қарор асосида Адлия ва Молия вазирликлари томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бораётган суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг гумон қилинувчи, айбланувчининг юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан озод этиш тўғрисидаги қарори ва суднинг шу мазмундаги ажрими тайинлов асосида жиноят ишида қатнашган адвокатлар меҳнатига тўланадиган ҳақни давлат ҳисобидан амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланиши белгиланган. Агар суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бораётган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ишини юритаётган судъя томонидан адвокатнинг аризаси оқибатсиз қолдирилиб, тегишли қарор ёки ажрим чиқарилиб берилмаса ёки турли хил баҳоналар рўкач қилиниб пайсалга солинаётган бўлса, адвокат зудлик билан бу ҳақда адвокатлик тузилмаси раҳбарини хабардор қилиши лозим.

Ҳаётга қарши жинноятлар.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига ҳаётга қарши жинноятлар қуидаги турларга бўлинади:

1. қасдан одам ўлдириш;

2.кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш;

3.онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириш; зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш;

4.ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш;

5. эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш; ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш.

Қасдан одам ўлдириш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасига биноан бир-неча турларга бўлинади;

жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш, яъни:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсни;

б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни;

в) айбдорга аён бўлган ожиз ахволдаги шахсни;

г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини;

д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда;

е) оммавий тартибсизликлар жараёнида;

ж) ўта шафқатсизлик билан;

з) номусга тегиши ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда;

и) тамагирлик ниятида;

к) миллий ёки ирқий адоват замирида;

л) безорилик оқибатида;

м) диний таассублар замирида;

н) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида;

о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида;

п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;

р) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

с) ўта хавфли рецидивист томонидан қасдан одам ўлдирилиши.

Бундай жиноятлар содир этган шахсга нисбатан оғир жазо қўлланилади. Ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади (ЎзР 11.07.2007 й. ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳриридаги санкция).

Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш (ЖК 98-моддаси).

Жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа ғайриқонуний харакатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш – бундай қилмиш учун

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши (ЖК 99-моддаси).

Онанинг ўз чақалоғини туғиши вақтида ёки туғилиши ҳамон қасдан ўлдириши. Бундай жиноят учун жиноятчи - уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш (ЖК 100-моддаси).

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш, қонунда ушбу жинят учун уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш (ЖК 101-моддаси).

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш учун уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЖК 102-моддаси). Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирган шаҳс, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Эҳтиётсизлик орқасида икки ва ундан ортиқ одам ўлдириш учун эса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЖК 103-моддаси). Моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айборга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш учун, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар ўша қилмишлар моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айборга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Соғлиққа қарши жиноятлар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-111 моддаларида соғлиққа қарши жиноятлар турлари кўрсатилган:

қасдан баданга оғир шикаст етказиш;

қасдан баданга ўртacha оғир шикаст етказиш;

кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга ёки ўртacha оғир шикаст етказиш;

зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиш;

ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасдан оғир шикаст етказиш;

қасдан баданга енгил шикаст етказиш;

қийнаш;

эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш.

Қасдан баданга оғир шикаст етказиш натижасида, кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиши ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишга ёки умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлиши тушунилади.

Қасдан баданга оғир шикаст етказиш ўз навбатида қўйдагиларга бўлинади (ЖК 104-моддаси):

а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
б) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

- в) ўта шафқатсизлик билан;
- г) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- д) тамагирлик ниятида;
- е) безорилик оқибатида;
- ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;
- з) диний таассублар замирида;

и) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига қўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида содир этилган жиноятлар тушунилади.

Бу жиноятлар бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлиши, икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан; такроран, хавфли рецидивист ёки илгари қасдан одам ўлдирган шахс томонидан; ўта хавфли рецидивист томонидан; уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини қўзлаб содир этилган ва жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлиш даражасида амалга оширилиши мумкин. Жиноятнинг оғирлигига қараб суд саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаши қонунда назарда тутилган.

Қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-моддаси)да кўрсатилган. Унга кўра содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва оғир оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш тушунилади.

Қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

в) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г) ўта шафқатсизлик билан;

д) оммавий тартибсизликлар жараёнида;

е) тамагирлик ниятида;

ж) миллатлараро ёки ирқий адсоват замирида;

з) диний таассублар замирида;

и) бир гурух шахслар ёки уюшган гурух аъзоси томонидан ёхуд шу гурух манфаатларини кўзлаб;

к) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан;

л) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилиши мумкин.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-моддаси)да ўз ифодасини топган. Унга кўра, жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек айборнинг ёки унинг яқин кишисининг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш тушунилади.

Жиноят кодекснинг 107-моддаси бўйича зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиш учун, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Жиноят кодекснинг 108-моддасида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасдан оғир шикаст етказиш жинояти учун икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланиши назарда тутилган.

Қасдан баданга енгил шикаст етказиш Жиноят кодекснинг 109-моддасида кўрсатилган. Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиягининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига олиб келмаган қасдан баданга енгил шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиягининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасдан баданга енгил шикаст етказиш учун, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

Кийнаш бу, муттасил равища дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш тушунилади. Унинг учун Жиноят кодекснинг 110- моддасига биноан, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) вояга етмаган шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодекснинг 111-моддасида эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказиш кўрсатилган. Бундай қилмиш учун, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Эҳтиётсизлик орқасида баданга оғир шикаст етказиш учун эса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Эҳтиётсизлик орқасида икки ёки ундан ортиқ шахс баданига ўртacha оғир ёки баданга оғир шикаст етказиш учун, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ билан жазоланади. (ЎзР 20.08.1999 й. 832-I-сон Конуни таҳриридаги санкция).

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар .

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш; таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш; жиноий равища ҳомила тушириш (аборт); аёлни ўз ҳомиласини сунъий равища туширишга мажбурлаш; касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик; хавф остида қолдириш турдаги жиноятлар ҳаёт ва соғлиқ учун хавли жиноятлар турига киради.

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Жиноят кодекснинг 112 моддасига биноан, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини қўзлаб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар қаторига таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиши киради. Бу жиноят, била туриб, бошқа шахсга таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш маъносини билдиради. Ундан ташқари, ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юқтириш ҳам киради.

Жиноий равишида ҳомила тушириш (аборт) ҳам ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар қаторига киради. У шифокор акушер ёки генеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда сунъий равишида ҳомилани тушириш тушунилади. Ундан ташқари, сунъий равишида ҳомила туширишга ҳукуки бўлмаган шахснинг бундай ишни амалга ошириши ҳам жиноят.

Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишида туширишга мажбурлаш Жиноят кодексининг 115-моддасига биноан жиноят деб танилади.

Жиноят кодексининг 116-моддасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик тушунчаси берилган. Унга нисбатан, шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши, қонун ёки маҳсус қоидаларига мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши жиноят деб танилади.

Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айборд бундай ахволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айборнинг ўзи жабрланувчини хавфли ахволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келса, Жиноят кодексининг 117-моддасига биноан жиноят деб танилади.

Жиноят қонунчилигига жинсий эркинликка қарши жиноятлар тури берилган. Бу жиноятлар қаторига:

- номусга тегиш;
- жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий равишида қондириш;
- бесоқолбозлик;
- аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этишлар киради.

Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш тушунилади. Бу жиноят Жиноят кодексининг 118 – моддасига биноан:

- а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш бўйича илгари жиноятни содир этган шахс томонидан;

в) бир гурух шахслар томонидан;

г) ўлдириш билан қўрқитиб содир этилган бўлиши;

ёки:

а) шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда;

б) яқин қариндошга нисбатан;

в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан;

г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлиши мумкин. Жазо эса, суд томонидан жиноятнинг оғир оқибатларига қараб қўлланилади.

Жиноят кодексининг 119-моддасида жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган бўлиб, зўрлик ишлатиш, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб амалга оширилиши мумкин. Бу ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари номусга тегиши жиноятни содир этган шахс томонидан;
- в) бир гурух шахслар томонидан;
- г) ўлдириш билан қўрқитиб содир этилган бўлиши;
- ёки:
- а) жабрланувчининг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда;
- б) яқин қариндошига нисбатан;
- в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан;
- г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- оғир оқибатларга олиб келган бўлиши мумкин. Ушбу жиноят ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бесоқолбозлик, яъни эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириши ҳам ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар турига киради.

Бу жиноятлар қаторига яна аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш киради. Бу жиноят, хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этишда ўз ифодасини топади.

Текшириш саволлари:

Жиноят хуқуқининг маҳсус қисми тушунчаси, мақсад ва вазифасини изоҳланг.

Ҳаётга қарши жиноятларнинг умумий тавсифини тушунтиринг.

Соғлиққа қарши жиноятлар турини кўрсатинг.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар, деганда қандай жиноятларни тушунасиз?

Таянч иборалар:

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар; кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш; қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш; ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар; жиноий равищда ҳомила тушириш; номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш тушунилади.

12-Мавзу: Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар.

Режа:

“Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” турлари.

“Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” тушунчаси .

“Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” ва турлари.

Èñëîì Èàðèïîâ ғçéiéíâ “Рêñàê ìàúíàâèýò-åíâèëìàñ êó:” àñàðèää ïèëäää, ôàðçàíä òàðáèýñèää êàðòà àxàlèýò áåðèá, қóéèäääè ðèéðëàðíè áèéäèðàäè: “...áó ,ðóf äóí,ää xà,ò áîð ýêàí, ïèëà áîð. Íèëà áîð ýêàí, ôàðçàíä äåá áðàëìèø áåáàxî íåúìàð áîð. Ôàðçàíä áîð ýêàí, íäàìçä xàlèøà ýçäó îðçó âà èíðèéèøëäð áèéäàí ýøàéäè” (56-ååò) - деб кўрсатган. Лекин болаларимизнинг ҳаммаси ҳам тарбияли эмас, айрим отоналар ва фарзандлар ўз бурчларини бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-134 моддаларида “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар”нинг турлари берилган. Бу жиноятлар:

вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш;

ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш;

болани алмаштириб қўйиш;

фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш;

кўп хотинли бўлиш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш;

ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш;

ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузук ҳаракатлар қилиш;

порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш;

фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш;

тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш;

инсон аъзоларини ёки тўқималарини ажратиб олиш;

қабрни таҳқирлашлардир.

“Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” тушунчаси.

Моддий ёрдамга муҳтоҷ бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган

маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик тушунилади (ЖК 122 –модда).

Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги Жиноят кодекснинг 123-моддасига биноан жиноий жазога тортилади.

Тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш ҳам “Оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” турига киради.

Одатда фарзандликка олиш сир сақланади. Фарзандликка олинган бола, асраб олганларни ўз отаси ва онаси деб билади.

Фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилиш – бу жиноят.

Бу қилмиш:

- а) касб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан содир этилган;
- б) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган;
- в) оғир оқибатларга сабаб этилган бўлиши мумкин.

Кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзгор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш Жиноят кодекснинг 126-моддасига биноан жиноят ҳисобланади.

Вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёхвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши ва вояга етмаган шахсни гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш, шунингдек:

- а) илгари гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриконуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан;
- б) икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан;
- в) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши учун жиноий жазолар қўлланилади.

Шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбордога аён бўлган ҳолда у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш ёки ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) илгари номусга тегиши, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайрийтабиий усуlda қондириш жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, Жиноят кодекснинг 128-моддасига биноан жазоланади.

Шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айборга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этиш ёки ўша ҳаракатларни зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб содир этиш жиноят ҳисобланади (ЖК 129-модда).

Намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик нарсаларни тайёрлаш, шунингдек уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жазога тортилади.

Фоҳишахона очиш ёки сақлаш, шунингдек ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш ёки ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда;

б) такроран, хавфли рецидивист ёки шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш, одам ўғрилаш каби жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан содир қилинган жиноят Жиноят кодекснинг 131-моддасига биноан жазога тортилади.

Жиноят кодекснинг 132-моддаси бўйича: “Давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасдан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасдан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда заар етказилишига сабаб бўлса” жазоланади.

Шахс тириклигига унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз илмий ишлар ёхуд таълим ишлари учун трансплантация қилиш ёки бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) мақсадида мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш, ўша ҳаракатлар:

а) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса Жиноят кодексиинг 133- моддаси асосида жазоланади.

Ўлим хақ. Лекин буни ҳамма ҳам тушуниб етмайди. Қанчалик ачинарли бўлмасин жиноятлар қаторида қабрни ёки мурдани таҳқирлаш, шунингдек мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олиш каби жиноятлар учрайди. Бунинг учун Жиноят кодексининг 134-моддасига биноан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Текшириш саволлари:

Оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар турларини кўрсатинг.

Оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар тушунчасини изоҳланг.

Таянч иборалар:

Оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар

“Оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” тушунчаси ва турлари.

Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик тушунилади.

13-Мавзу: Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар.

Фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар.

Режа:

Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр – қимматига қарши жиноятлар тушунчаси, турлари.

Фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар.

Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр – қимматига қарши жиноятлар тушунчаси, турлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг еттинчи боби “Шахсий хуқуқ ва эркинликлар” деб номланган ва 25-моддада “Ҳар ким эркинлик ва шахсий даҳилсизлик хуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”, деб кўрсатилган.

Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр – қимматига қарши жиноятлар қаторига: шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш; аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш; одам ўғрлаш; зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш; туҳмат; ҳақорат қилишлар киради.

Шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш оддий ва мураккаб турда бўлиши мумкин. Масалан, шу ҳаракатлар такороран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилиши; бир гурӯҳ шахслар томонидан тил бириклириб; вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлиши ёки бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135- моддасида кўрсатилган жазолар билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига биноан, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва teng ҳуқуқлилигига асосланади. Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 136- моддасига биноан жиноят ҳисобланади.

Одам ўғирлаш, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр–қимматига қарши жиноятлар қаторига киради.

Инсонлар ичида одат бўлиб қолган бирорлар тўғрисида билар-билмас ҳархил ёлғон гапларни гапириш. Булар қаторида тухмат, ҳақорат қилиш ҳам учрайди. Тухмат, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиласидан уйдирмалар тарқатиш тушунилади. Бундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жазо қўлланилади.

Ҳақорат қилиш, бу шахснинг шаъни ва қадр–қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаш тушунилади. Агар башарти, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, унда жиноий жазо қўлланилади.

Тухмат ва ҳақорат нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши мумкин.

Тухмат:

1. оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаш;
2. оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлиши;
3. хавфли рецидивист томонидан;
4. ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятлар асосида қилиниши мумкин.

Ҳақорат қилиш эса: жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда; хавфли рецидивист томонидан ёки тухмат қилганилиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлиши ҳам мумкин. Бундай қилмишлар учун озодликдан маҳрум қилишда жазо қўлланилиши Жиноят кодексининг 139-140 моддаларида кўрсатилган.

Фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликлариға қарши жиноятлар.

Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг хуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш фуқароларнинг тенг хуқуқлилигини бузиш, деб аталади. Бу ҳаракатлар зўрлик ишлатиш орқали содир этилиши мумкин. Бундай қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида “Хеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бирорнинг тураг жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас”, деб белгиланган.

Тураг жойига унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кириш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасдан бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса жиноий жазо қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга” деб ёзилган. 2002 йил 13 декабря Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. Фуқаролар ана шу қонун асосида мурожаат қилиш ҳукуқларидан фойдаланиш ҳукуқига эга.

Жиноят кодексининг 144- моддасида мурожаат кўриб чиқилишини асоссиз рад этиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун хужжатларини фуқароларнинг ҳукуқлари ёки фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказадиган ҳолда бузиш ёки фуқарони давлат органига, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасига мурожаат қилганлиги ёки мурожаатда баён этилган танқид, шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилиши жиноят деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида барча учун виждан эркинлиги кафолатланганлиги, ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳукуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш; вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш; фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳукуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-руsumлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиш, Жиноят кодексининг 145-моддасига биноан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳукуқига эгаликлари қонунлаштирилган. Бевосита иштирок этиш референдум ёки сайловларда қатнашиш орқали амалга оширилади. Ҳеч ким Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг бу ҳукуқини паймол қилишга ҳаққи йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-моддасида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий

партиялар ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гурухлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум хужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш жиноятдир.

Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботини олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, кўркитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш жиноят эканлиги Жиноят кодексининг 147- моддасида ўз ифодасини топган.

Маълумки, бизнинг давлатимизда мустақиллик шарофати билан “Ишламаган, тишламайди”, деган шиорлар ўз ўрнини йўқотди. Конституциянинг 37-моддасига биноан ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва бошқа ҳуқуқларга эгалиги кўрсатилган. Конунда кўрсатилган тартибдан ташқари ҳолларда, мажбурий меҳнат қилиш тақиқланади.

Била туриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, жиноий жазо қўлланилади.

Аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш ҳам жиноят.

Тафаккур мулки обьектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк обьектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар турига киради.

Текшириш саволлари:

Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш, деганда нимани тушунасиз?

Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш бўйича ҳаётий мисоллар келтиринг.

Одам ўғирлаш, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш тушунчасини изоҳланг.

Тухмат, ҳақорат қилиш нимада ифодаланади?

Фуқароларнинг teng ҳуқуқлигини бузиш, деганда нимани тушунасиз?

“Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш” тушунчасини ифодаланг.

Хат - ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларни сир сақланиши тартибини бузиш жиноятлар бўйича мисоллар келтиринг.

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?

Виждон эркинлигини бузиш нималарда ифодаланади?

Сайлов ёки референдум ташкил қилиш уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш, деганда нимани тушунасиз?

Мехнат қилиш ҳуқуқи, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш учун қандай чоралар кўрилади?

Таянч иборалар:

Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр – қимматига қарши жиноятлар қаторига: шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш; аёлни эрга тегишига мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш; одам ўғирлаш; зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равища озодликдан маҳрум қилиш; тухмат; хақорат қилишлар киради.

Одам ўғрилаш, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равища озодликдан маҳрум қилиш шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр–қимматига қарши жиноятлар қаторига киради.

Хақорат қилиш, бу шахснинг шаъни ва қадр–қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаш тушунилади.

Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш фуқароларнинг teng ҳуқуқлилигини бузиш, деб аталади.

14-Мавзу: Тинчлик ва хавфсизликка ва Ўзбекистон Республикасиغا қарши жиноятлар.

Режа:

Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар.

Ўзбекистон Республикаси қарши жиноятлар.

Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларининг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенгли, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг даҳилсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади”, деб кўрсатилган. Бизнинг халқимиз, тинчликсевар халқ давлатнинг сиёсати халқ билан биргаликда ҳамнафас тинчлик учун курашишдан иборат. “Кўшнинг тинч-ўзинг тинч”, деган шиорга амал қилиш ўзбек миллатига мансуб бўлиб келмоқда.

Шунинг учун: урушни тарғиб қилиш; агрессия; урушнинг қонун ва удумларини бузиш; геноцид; ёнланиш; чет давлатларнинг ҳарбий хизматига,

хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш; терроризм; миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш жиноят деб танилади(ЖК 150-156 моддалари).

Урушни тарғиб қилиш, яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш учун турли шаклдаги қараашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш тушунилади.

Агрессия (босқинчиллик), урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашишдир. Босқинчиллик урушини бошлаш ва уни олиб боришда ҳам амалга оширилади.

БМТ уставига мувофиқ равишда бир давлатнинг бошқа давлат суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши ҳарбий куч ишлатиш билан тажовуз қилиши дир⁸.

Тинч аҳолини ёки ҳарбий асиirlарни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, ҳалқаро ҳукуқ билан таъқиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини бехуда вайрон қилиш, мулкни талон-торож қилиш, шунингдек, бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удумларини бузиш, деб аталади.

Геноцид деб, миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гурух шахснинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасдан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш тушунилади.

Ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши тушунилади.

Ёлланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш турида ҳам амалга оширилади (ЖК 154- модда).

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши (Ўзбекистон Республикасининг 30.08.2003 йилги. 535-II-сон Қонуни таҳририда) жиноий жазога тортилади (ЖК 154-1 модда).

⁸ Юридик энциклопедия. Т.: “Шарқ”, 2001, 11-бет.

Терроризм халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йифишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолиятдир.

Терроризм, вазиятни бекарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш турларида амалга оширилиши мумкин.

Агар терроризм:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, оғирлаштирган холатда жиноят содир этилган деб ҳисобланади ва ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан мадрум қилиш жазоси билан жазоланади.(ЎзР 11.07.2007 й. ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳриридаги санкция).

Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларида ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади. (ЎзР 29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар қаторига миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин содир этилган; миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гурухларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасдан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг хукуқларини бевосита ёки билвосита

чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзаликлар бериш; бу харакатлар бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда; баданга оғир шикаст етказган ҳолда; фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда; масъул мансабдор шахс томонидан; бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар.

Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида: “Агар биз аҳил бўлсақ, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимииздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди”,⁹ деб ёзди. Ўзбекистон бизнинг Ватанимиз, унга хиёнат қилиш, имонга хиёнат қилиш билан бир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигида алоҳида давлатимизга қарши жиноятлар турлари берилган (ЖК 157- 163 моддалар).

Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятларга:

давлатга хоинлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тизимига тажовуз қилиш;

жосуслик;

кўпорувчилик;

давлат сирларини ошкор қилиш;

давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларини йўқотишлар киради.

Давлатга хоинлик қилиш бу, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан жосуслик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларига давлат сирларини етказиш; Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам қўрсатиш йўли билан давлатга хоинлик қилиш; Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти, иқтисодиётига зарар етказган ҳолда қасддан содир этилган қилмишdir.

Агар, чет эл давлат ёки ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган давлатга зарар етказувчи фаолиятни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш учун жалб қилинган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ўзининг бундай ҳамкорлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равища арз қилса, унинг фаолияти эса республика манбаатларига зарар етказмаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, ўз қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равища хабар қилиб, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва бунинг натижасида давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган

⁹ Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади (ЖК 157-модда).

Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш - Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш; Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига қасдан шикаст етказиш; Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилиш, шунингдек, матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилишлар тушунилади (ЖК 158-модда).

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равища сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишига ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очикдан-очиқ даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш; ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик; ундан ташқари, бу қилмишларни, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёки уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган бўлса, ёки ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш (ЖК 159-модда) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, деб танилади.

Қонунда, фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равища хабар берган шахс, башарти, кўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

Жосуслик, бу чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг давлат сири ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиши, худди шунингдек етказиш мақсадида қўлга киритиши, йиғиши ёки сақлаши, шунингдек чет эл разведкасининг топширифи бўйича Ўзбекистон Республикасига зарар етказишида фойдаланиш учун бошқа маълумотларни етказиши ёки йиғишидир .

Чет эл разведкаси билан ҳамкорлик қилишга жалб қилинган шахс, башарти, ўзига юклатилган топшириқни бажариш юзасидан ҳеч қандай ҳаракат содир этмасдан, бу ҳақда ўз ихтиёри билан ҳокимият органларига хабар берса, жавобгарлиқдан озод қилинади.

Ўзининг жиноий фаолиятини ихтиёрий равища тўхтатган ва қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига маълум қилиб, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган шахс, башарти, давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади (ЖК 160-модда).

Кўпорувчилик деб, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар айтилади.

Давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага бериш, яъни давлат сири, ҳарбий сир ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд касб фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахс томонидан ошкор қилиниши тушунилади. Бу ҳаракатлар натижасида оғир оқибатлар келиб чиқса, оғирлаштирилган холат деб ҳисобланади.

Хужжатларнинг, шунингдек ашё ёки моддаларнинг, агар улар ҳақидаги маълумот давлат сири ёки ҳарбий сирни ифодаласа, хизмат ёки касб фаолияти юзасидан ишониб топширилган шахс томонидан йўқотилиши, башарти, бу йўқотиш ана шу хужжатлар, ашё ёки моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш натижасида рўй берган ҳаракат - Давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган хужжатларни йўқотиш деб танилади.

Назорат учун саволлар:

Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар тушунчасини ва турларини изоҳланг.

Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар деганда қандай жиноятларни тушунасиз?

Таянч иборалар:

Урушни тарғиб қилиш, яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш тушунилади Тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро хуқуқ билан таъқиқланган уруш олиб бориш воситаларини кўллаш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-торож қилиш, шунингдек, бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удумларини бузиш, деб аталади.

Геноцид деб, миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гурӯҳ шахснинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасдан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш тушунилади.

Давлатга хоинлик қилиш бу, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан жосуслик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларига давлат сирларини етказиш ёхуд Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам кўрсатиш йўли билан давлатга хоинлик қилиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг суверенитети,

худудий дахлизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти, иқтисодиётига зарар етказган ҳолда қасдан содир этилган қилмишdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш - Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш; Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига қасдан шикаст етказиш; Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилиш, шунингдек, матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилишлар тушунилади.

Қўпорувчилик деб, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар айтилади.

15-Мавзу: Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар.

Режа:

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар .

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар.

Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар ва ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар киради. Ундан ташқари бу турдаги жиноятлар ўз ичига иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларни ва хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни олади.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар ўз навбатида: босқинчилик; товламачилик; талончилик; ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш; фирибгарлик ва ўғрилик турларига бўлинади.

Босқинчилик, бу ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилиши тушунилади.

Босқинчилик қуидаги турларда бўлиши мумкин:

а) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб;

б) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) анча миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлиши ёки:

а) такроран, хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

- в) уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равища кирган ҳолда;
- г) баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган бўлиши ёки:
- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлиши мумкин.

Товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳукуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳукуқини беришга мажбур қиласидиган шароитга солиб қўйиш тушунилади.

Товламачилик: такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; кўп миқдорда; бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган; жуда кўп миқдорда; ўта хавфли рецидивист томонидан; уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлиши мумкин.

Талончилик, бу ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилишдир.

Талончилик: ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб; анча миқдорда; бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган; ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб; анча миқдорда; бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ; жуда кўп миқдорда; ўта хавфли рецидивист томонидан; уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлиши мумкин (ЖК 166-модда).

Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти деб ҳисобланади.

Бу ҳаракат: кўп миқдорда; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган; жуда кўп миқдорда; ўта хавфли рецидивист томонидан; уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб; компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлиши мумкин.

Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳукуқни кўлга киритиш -

Фирибгарлик: кўп миқдорда; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган; жуда кўп

миқдорда; ўта хавфли рецидивист томонидан; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлиши мумкин (ЖК 168-модда).

Ўғрилик, бу ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилишдир.

Ўғрилик бир-неча турда амалга оширилиши мумкин. Масалан, жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик); анча миқдорда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; компьютер тизимига рухсатсиз кириб; кўп миқдорда содир этилган; жуда кўп миқдорда; ўта хавфли рецидивист томонидан; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши ЖК 169-моддасида берилган. Жазо ҳам қилинган жиноятнинг турига қараб қўлланилади.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятларга: алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий заар етказиш; жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш; мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш; мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга заар етказиш ва ахборотлаштириш қоидаларини бузиш туридаги жиноятлар киради.

Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда заар етказиш да жиноятчи ўз харакати билан ўзганинг мулкига заар етказади.

Бу харакатлар: такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; моддий жавобгар шахс томонидан; кўп миқдорда заар етказган ҳолда содир этилган бўлиши мумкун.

Мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш - жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жинояти деб аталади.

Бундай харакатлар: такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; кўп миқдорда содир этилган ; жуда кўп миқдорда; ўта хавфли рецидивист томонидан; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлиши ЖК 171-моддасида белгиланган.

Шахснинг мулкни қўриқлаш юзасидан ўз вазифаларини виждонсиз бажариши натижасида мол-мулк талон-торож қилиниши, унга шикаст етказилиши ёки унинг нобуд қилиниши кўп миқдорда заар етказилишига сабаб бўлса, башарти, бу қилмишда мансабдорлик жинояти аломатлари бўлмаса, мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш, деб танилади.

Ўзганинг мулкини қасдан нобуд қилиш ёки унга заар етказиш анча миқдорни ташкил этиши; миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида; атрофдагилар учун хавфли усулда; кўп миқдорда заар

етказган ҳолда содир этилган; хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахснинг ёки унинг яқин қариндошларининг мулкига нисбатан; уюшган гурӯҳ ва унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлиши мумкин.

Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни ахборот тармоғидан рухсатсиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда тегишли ҳимоя чораларини кўрмаслик ёки ахборотлар тармоғидан қонунга хилоф равища ахборотлар олиш, шунингдек, ахборотлаштириш тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган ҳолда ундаги маълумотларни қасдан ўзгартириш, йўқотиш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиб юбориш анча миқдорда заар етказилишига сабаб бўлса ЖК 174-моддага биноан жазоланади.

Компьютер тизимларида сақланаётган маълумотлар ёки дастурларни ўзгартириш мақсадида тегишли рухсатсиз компьютер вируслари ёки дастурларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш, шунингдек, рухсати бўлмагани ҳолда ахборот тизимидан фойдаланиш маълумотларнинг бузилиши, олиб ташланиши, йўқ қилиб юборилиши ёки бу тизимнинг ишдан чиқишига сабаб бўлиш хам шу модда асосида кўрилади.

Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар.

Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларга: Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равища битимлар тузиш; қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш ва уларни ўтказиш; валюта қимматликларини қонунга хилоф равища олиш ёки ўтказиш; чет эл валютасини яшириш; сохта тадбиркорлик; сохта банкротлик; банкротликни яшириш; божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш; монополияга қарши қонун хужжатларини бузиш; солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш; бюджет интизомини бузиш; қимматбаҳо металлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш; ранги металлар, уларнинг парча ва резги чиқитларини тайёрлаш, олиш ва улардан фойдаланиш хамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш ва электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш киради.

Давлат органининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш республика манфаатларига кўп миқдорда заар етказилишига сабаб бўлса, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равища битимлар тузиш, деб танилади (ЖК 175 - модда).

Ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш, қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш, деб топилади.

Фуқароларнинг қонунга хилоф равища анча миқдорда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жазо қўлланилади.

Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасининг қасдан яшириб қолиниши жиноят деб топилади.

Сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкий манфаат қўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш тушунилади.

Сохта банкротлик, бу хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлиши тушунилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини ёки иқтисодий начорлигини бошқача тарзда қасдан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлиши, банкротликни яшириш жинояти деб танилади.

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, деб топилади.

Монополияга қарши фаолият олиб бориши ваколати берилган органга ахборотлар бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни била туриб, тақдим қилиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши деб аталади.

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа обьектларни қасдан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти турига киради.

Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш,

шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноят деб топтилади.

Ер остидан қазиб олинган қимматбаҳо металлар ёки тошларни давлатга топшириш қоидаларини бузиш, давлатга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, қимматбаҳо металлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш жинояти деб аталади.

Қимматбаҳо металлар сирасига кирмайдиган рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, рангли металлар, уларнинг парча ва резги чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш жинояти деб танилади.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар.

Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни; ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд; ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш; этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равищда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш; чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равищда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш; харидор ёки буюртмачиларни алдаш; савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равищда шуғулланиш; савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш; фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш; қонунга хилоф равищда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш; рақобатчини обрўсизлантириш (ЖК 186-191 моддалар) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар турига киради.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жиноятлари деб топтилади. Бу ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлиши; бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равищда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш; бу маҳсулотларни кўп миқдорда; бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилиши; жуда кўп миқдорда; уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлиши; жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равищда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш турларида амалга оширилиши Жиноят кодексининг 186-1 моддасида кўрсатилган.

Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш; уни кўп миқдорда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлиши; жуда кўп миқдорда; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўзлаб содир этилган турларда амалга оширилиши жиноят деб танилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳолига товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида, шунингдек, савдо ёки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахслар томонидан кам ўлчаш, кам тортиш, ҳақдан уриб қолиш ёхуд харидор ва буюртмачиларни бошқача тарзда алдаш, унча кўп бўлмаган миқдорда содир этилган; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; анча миқдорда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ёки ўша ҳаракатлар кўп миқдорда содир этилган бўлиши Жиноят кодексининг 187-моддасига биноан “Харидор ёки буюртмачиларни алдаш”, жинояти ҳисобланади.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда содир этилган; хавфли рецидивист томонидан; кўп миқдорда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган; бу жиноят белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида: жуда кўп миқдорда; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўзлаб содир этилган бўлса Жиноят кодексининг 188- моддасида ўз ифодасини топган.

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши; кўп миқдордаги қийматда бузиш асосида - хавфли рецидивист томонидан; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган; товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш турларида амалга оширилиши Жиноят кодексининг 189- моддасида кўрсатилган.

Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан маҳсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса; лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан маҳсус рухсатнома олмасдан шуғулланилса; бу ҳаракатлар хавфли рецидивист томонидан; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса Жиноят кодексининг 190- моддасига биноан жазога тортилади.

Сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усуlda тўплаш; бу ҳаракатларни қасдан

ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектга кўп миқдорда заарар етказиш, қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш турдаги жиноят ҳисобланади.

Рақобатчини обрўсизлантириш, яъни босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб қўрсатилган маълумотларни тарқатиш Жиноят кодексининг 192- моддасига биноан жазоланади.

Текшириш саволлари:

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг турларини изоҳлаб беринг.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятларга қандай жиноятлар киради?

Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар, қандай ҳусусиятларга эга?

Таянч иборалар:

Босқинчилик, бу ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлик учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиши билан қўрқитиб содир этилиши тушунилади.

Товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиши, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиласидиган шароитга солиб қўйиши тушунилади.

Талончилик, бу ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилишдир.

Айборга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, **ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш** жинояти деб ҳисобланади.

Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни сунистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш - **Ўғрилик**, бу ўзганинг мол-мулкини яширин равишида талон-торож қилишдир.

Давлат органининг, мулчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш республика манфаатларига кўп миқдорда заарар етказилишига сабаб бўлса, **Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишида битимлар тузиш, деб танилади.**

**16-Мавзу: Экология соҳасидаги жиноятлар.
Ҳокимијат , бошқарув ва жамоат бирлашмалари
органларининг фаолият тартибиiga қарши жиноятлар.**

Режа:

1. Атроф мухитини муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар.
2. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар.

Атроф мухитини муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар.

Одделик ёки атроф мухитини муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларни оид нормаларни бузиш; атроф табиий мухитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш; атроф табиий мухитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик; атроф табиий мухитни ифлослантириш; ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; экинзор, ўрмон ёки бошқа довдараҳтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш; ўсимликлар касалликлари ёки зааркундалари билан кураш талабларини бузиш; ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш; заарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш; хайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш; сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш турдаги жиноятлар киради.

Саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларни норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиласиган даражада атроф мухитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши, «Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш» жинояти деб аталади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999, 505-бет.

Махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан заарли экологик оқибатларни келтириб чиқарған ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларни қасдан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга ёки бу қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай қилмиш учун Жиноят кодексининг 194-моддасига биноан жазо қўлланилади.

Мансабдор шахснинг экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаши ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслиги одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга, одам ўлишига олиб келиши, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик, деб топилади.

Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга, одам ўлишига сабаб бўлса Жиноят кодексининг 196-моддасига биноан жазога тортилади.

Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлиши: “Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш” жинояти хисобланади.

Оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлиши; Ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларни қонунга хилоф равишда кесиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлиши; экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларга қасдан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлиши Жиноят кодексининг 198-моддасига биноан: “Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш”, жинояти деб танилади.

Ўсимликлар касаллеклари ёки зааркунандалари билан кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлиши, ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотия) тарқалишига, уларнинг ялпи қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлиш учун ҳам жиноий жазо қўлланилади.

Хўжалик фаолиятида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғит, ўсиш биостимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг

қирилиб кетиши ёхуд ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса Жиноят кодексининг 201- моддасига биноан жазога тортилади.

Овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартларини ёхуд ўсимликларнинг дори-дармон, озиқ-овқат ва манзарали (декоратив) турларини йиғиши ёки тайёрлаш, шунингдек маҳсус қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик оламидан фойдаланиш тартибини бузиш анча микдорда зарар етказилиши; ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг Қизил китобга киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан; кўп микдорда зарар етказган ҳолда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса; хавфли рецидивист томонидан; шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб; ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб; портлаш қурилмалари, заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиласидиган усулларни қўллаган ҳолда; уюшган гуруҳ томонидан ва жуда кўп микдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 202 – моддасига биноан 202-модда : “Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш” жинояти деб белгиланган.

Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлиши ҳам жиноятдир.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш кўп микдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ёки обьектларни қасдан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп микдорда зарар етказилиши ёхуд бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, Жиноят кодексининг 204-моддасига биноан жазога тортилади.

Ҳокимият , бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар.

Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар ўз навбатда: бошқарув тартибига қарши жиноятлар; одил судловга қарши жиноятларга бўлинади.

Бошқарув тартибига қарши жиноятлар: ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш; ҳокимият ёки мансабдор ваколати доирасидан четга чиқиш; мансабга совуққонлик билан қараш; ҳокимият ҳаракатсизлиги; мансаб соҳтакорлиги; пора олиш; пора бериш; пора олиш беришда воситачилик қилиш; хизматчини пора эвазига оғдириш; товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш; давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш; жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш; ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш; диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш; йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш;

тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш; ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш; озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар; жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик; қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш; қонунга хилоф равишида чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш; Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш; ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш; маъмурий назорат қоидаларини бузиш; хужжатлар, муҳрлар, штамплар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш; хужжатлар, муҳрлар, штамплар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш; давлат пропаганда тамғаларини тайёрлаш в улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш; ўзбошимчалик; ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш турларига бўлинади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, бу-mansabдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасдан фойдаланиши фуқароларнинг ҳукуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига қўп миқдорда заар ёхуд жиддий зиён етказилишидир. Ўшбу ҳаракат: жуда қўп миқдорда заар етказган ҳолда; уюшган гурӯҳ манфаатларини кўзлаб; масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлиши мумкин.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасдан содир этиши, фуқароларнинг ҳукуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига қўп миқдорда заар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши, Жиноят кодексининг 206-моддасига биноан “Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш” жинояти деб танилади.

Мансабга совуқконлик билан қарашиб, яъни мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, фуқароларнинг ҳукуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига қўп миқдорда заар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши;

ўша қилмиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши; ёки одам ўлишига;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишида олиб ўтилишига сабаб бўлиши Жиноят кодексининг 207-моддасига биноан жазога тортилади.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги, бу мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасдан

бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, шунингдек, бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилганлиги тушунилади.

Мансаб сохтакорлиги бу, мансабдор шахснинг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлишига айтилади.

Жиноят кодексининг 210-моддасида: “Пора олиш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўриши” деб аталади.

Пора олиш: такроран, хавфли рецидивист томонидан; кўп миқдорда; тамагирлик йўли билан; бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; жуда кўп миқдорда; масъул мансабдор шахс томонидан; уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлиши мумкин.

Пора бериш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш тушунилади.

Пора бериш: такроран, хавфли рецидивист томонидан; кўп миқдорда; жуда кўп миқдорда; уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб; масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлиши жиноят деб танилади.

Агар, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ёки бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, бундай шахс жавобгарликдан озод этилади (ЖК 211-модда).

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш; бу ҳаракат: такроран, хавфли рецидивист томонидан; кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида; бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда; ҳақ эвазига; жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш билан; уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб; масъул мансабдор шахс томонидан содир этилганлиги Жиноят кодексининг 212-моддасига биноан жазога тортилади.

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин

кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очища фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Хизматчини пора эвазига оғдириш бу- давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисига ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян харакатни уни ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, анча микдорда моддий ҳақ бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишдир (ЖК 213-модда).

Хизматчини пора эвазига оғдириш: анча микдорда моддий ҳақ олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши; такоран, хавфли рецидивист томонидан; кўп микдорда бўлиши мумкин.

Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, яъни давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисининг хизмат вазифаси доирасига кирадиган муайян ишни бажариши ёки хизмат қўрсатиши эвазига ҳақ беришни ёки мулкий йўсингдаги манфаатни талаб қилиши, шунингдек, шахсни қасдан фуқароларнинг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйиш тушунилади.

Давлат рамзларини хурмат қилиш ҳар-бир фуқаронинг бурчидир. Ўзбекистон Республикаси ёки Корақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадхиясига ҳурматсизлик қилиш, бу жиноят.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 216, 216-1, 216-2 моддаларида: “Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш”; “Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай харакатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса”; “Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гурухларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” жиноий жазо қўлланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида: “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш хуқуқига

эгадирлар. Ҳокимият органлари факат хавфсизлик нуқтаи назардангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш хуқуқига эга, деб кўрсатган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 217-моддасига биноан,. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан бузиши, агар шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жазо қўлланиши белгиланган.

Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш Жиноят қодексининг 219 – моддасига биноан жиноят ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахснинг маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакилларига ҳужум қилишда, шунингдек, бундай мақсадларда жиноий гурухлар ташкил қилиш ёки шундай гурухлар фаолиятида фаол қатнашишда ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатларини содир этиш Жиноят кодексининг 220-моддасига биноан жазоланади. Агар бундай жиноят: ўта хавфли рецидивист; оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс; бир гурух шахслар томонидан содир этилган бўлса, оғирлаштирилган жиноят ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахснинг жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслиги ёхуд маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиши, башарти, маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг карцерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан кейин содир этиш; бу қилмишлар: ўта хавфли рецидивист; оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан содир этилиши учун Жиноят кодексининг 221 – моддасига биноан жазога тортилади.

Қамоқда сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахснинг қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиши; бу жиноят: баданга енгил ёки ўртacha оғир шикаст етказган ҳолда; ўта хавфли рецидивист томонидан; бир гурух шахслар томонидан содир этилиши мумкин.

Белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш; чегарани ёриб ўтиш йўли билан; бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; чет элга чиқиши учун маҳсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлишишши Жиноят кодексининг 223-моддасига биноан “ Қонунга хилоф равишида чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш” жинояти ҳисобланади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш

хукуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки туар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг худуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қиласлиги, агар шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилиши;

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилиши;

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини, шунингдек улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги, шунингдек уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлиб, ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилиши Жиноят кодексининг 224-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш” деб танилади.

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чақирудан, сафарбарлик чақируви резерви хизмати сафига олиниш ёхуд хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиде ўташдан узрли сабабсиз бўйин товлаши, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилиши; бу ҳаракатлар: ўз баданига шикаст етказиш; ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан содир этилиши ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига сафарбарлик бўйича чақирудан бўйин товлаши Жиноят кодексининг 225-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 226-моддаси “Маъмурий назорат қоидаларини бузиш”, 229-моддаси “Ўзбошимчалик”, 229-1-моддаси “Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш”, 229-2-моддаси “Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш” турдаги жиноятларига бағишиланган.

Устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назорат қоидаларини бузиши, мазкур шахсга шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, “Маъмурий назорат қоидаларини бузиш”, деб танилади.

Ўзбошимчалик бу, ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳукуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳукуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши тушунилади.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, агар худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жазога тортилади.

Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жазо қўлланилади.

Текшириш саволлари:

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларга қандай жиноятлар киради?

Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятларни айтиб беринг.

Мансабдор шахслар, деганда кимларни тушунасиз?

Мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасдан бажармаслиги нима деб аталади?

Таянч иборалар:

Мансабдор шахснинг экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаши ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслиги одамларнинг оммавий равища касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга, одам ўлишига олиб келиши, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик, деб топилади.

Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлиши: “Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш” жинояти ҳисобланади .

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасдан содир этиши, фуқароларнинг ҳукуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши, “Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш” жинояти деб танилади.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги, бу мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасдан бажармаслиги фуқароларнинг ҳукуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, шунингдек, бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилганлиги тушунилади.

Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш .

Устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назорат қоидаларини бузиши, мазкур шахсга шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, “Маъмурий назорат қоидаларини бузиш”, деб танилади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 2008.

И.А.Каримов «Адолатли жамият қуриш йўлида» Т. Ўзбекистон 160 боб.

И.А.Каримов «Справедливость интерес, родины и народа – превыше всего» Т., Узбекистан, 64 ст.

- И.А.Каримов.«Янги уй қурмасдан эскисини бузиб бўлмайди». Т.,Ўзбекистон.
- И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари». Т.Ўзбекистон, 1997.
- И.А.Каримов «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат». Т.Ўзбекистон 1997 й.
- И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Т.Ўзбекистон 1999, 48
- И.А.Каримов «Адолат – қонун устиворлигига» Т. «Адолат» 1997.
- И.А.Каримов. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
- И.Каримов. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Т., “Маънавият”, 2008.
- Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шархлар. Т. 2001.
- Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси . Т. «Адолат». 2006.
- Ўзбекистон Республикаси жиноят – процессуал кодекси. Т. «Адолат» 2000.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленум қарорлари тўплами. Т. 1999.
- Жиноят хуқуқи умумий қисм. (муаллифлар колективи) Т. «Адолат» 1998.
- Жиноят хуқуқи. Умумий қисм. Тошкент, 2004.
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари. 1991-1997, 2 томлик. Т.: «Шарқ», 1997.
- Рустамбоев М.Х., Тохиров Ф., Эркаходжаев А.К. Жиноят хуқуқи маҳсус қисми. Т.Сорос фонди. 2001.
- Рустамбоев М.Х., Б.Ж. Ахрапов. Жиноят хуқуқи. Т.; “ILM ZIYO”? 2006.
- Каракетов Ю.М., Усмоналиев М. Криминология. Т. Янги аср авлоди. 2001.
- Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М.: Юрист, 1996.
- Рустамбаев М.Х., Якубов А.С. Концепция законодательства Республики Узбекистан о преступлениях и наказаниях, ВШМ МВД РУз. 1994.
- Якубов А.С., Кабулов Р. Новое в уголовном законодательстве. Т.: Академия МВД Республики Узбекистан. 1995.
- Кадиров М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Т.: Адолат, 1997.
- Икрамова М.Г. отвественность за организацию и содержание притонов для потребления наркотиков – Т. 1990.
- О.А.Каримова, З.Гафаров. Давлат ва хуқуқ асослари. “Ўқитувчи”, 1995.
- .E-mail (will not be published) required.

Мундарижа

1. Кириш.	4
2. 1-мавзу: Жиноят хуқуқи фанининг ўзига хос хусусиятлари.	5
2-мавзу: Жиноят таркиби.	9

3 -мавзу: Жавобгарлик асослари .	13
4-Мавзу: Жиноятда иштирокчилик.	29
5-Мавзу: Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар.	30
6-Мавзу: Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш асослари .	34
7- Мавзу: Судланганлик .	37
8- Мавзу: Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги хусусиятлари.	40
9-Мавзу. Тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари.	46
10-Мавзу: Либираллаштиришнинг хуқуқий тизми.	52
11-Мавзу: Maxsus қисм .	56
12-Мавзу: Оиласа, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар .	68
13-Мавзу: Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар.	71
15. 14-Мавзу: Тинчлик ва хавфсизликка ва Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар	76
16. 15-Мавзу: Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар	81
17. 16-Мавзу: Экология соҳасидаги жиноятлар Хокимият , бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар	89
18. Фойдаланган адабиётлар	99
19. Мундарижа	100